БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 33 (18.809). ● Чоршанба, 8 февраль 1984 йил ● Баҳоси 3 тийин.

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

САЙЛОВОЛДИ МУСОБАҚАСИНИ АВЖ ОЛДИРАЙЛИК!

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИТТИФОҚИНИНГ БАРЧА САЙЛОВЧИЛАРИГА, ГРАЖДАНЛАРИГА МУРОЖААТИДАН РУҲЛАНГАН РЕСПУБЛИКАМИЗ МЕҲНАТКАШЛАРИ УМУМХАЛҚ СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАСИНИ КУН САЙИН КУЧАЙТИРМОҚДАЛАР. УЛАР МЕҲНАТ УНУМДОРЛИГИНИ ОШИРИБ ТАННАРХНИ АРЗОНЛАШТИРИШ, ШУ ЙУЛ БИЛАН УН БИРИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ ТУРТИНЧИ ЙИЛИ ЮКСАК МАЖБУРИЯТЛАРИНИ ШАРАФ БИЛАН БАЖАРИШГА ҚАТЪИЙ АҲД ҚИЛГАНЛАР.

ЗАФАРЛАРИМИЗ — ЮБИЛЕЙГА

ҚАШҚАДАРЁ ОБЛАСТИ МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ 1984 ЙИЛГИ СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

Қашқадарё областининг меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети 1983 йил декабрь Пленуми қарорларига жавобан, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Ю. В. Андроповнинг нутқида ўртага қўйилган вазифаларни ҳал этишга конкрет ҳисса қўшиш учун интилиб, план топшириқларини тўла ва ошириб бажариш ҳамда республика ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани кенг авж олдириб, 1984 йил учун қуйидаги мажбуриятларни қабул қиладилар:

Ишлаб турган қувватлардан тўлароқ фойдаланиш, илғор тажрибани кенг жорий этиш, уюшқоқлик ва интизомни мустаҳкамлаш, асосий технология машина-ускуналари иши сменалик коэффициентини ошириш негизида маҳсулот етказиб бериш мажбуриятларига риоя этган ҳолда саноат маҳсулоти реализация қилиш йиллик плани муддатидан илгари бажарилади, меҳнат унумдорлиги пландан ташқари бир процент ўстирилиши ва маҳсулот таннархи қўшимча 0,5 процент пасайтирилиши таъминланади. 5 миллион сўмлик қўшимча фойда олинади. Пландан ташқари 14 миллион сўмлик маҳсулот, шу жумладан чакана нархларда 11 миллион сўмлик халқ истеъмол моллари реализация қилинади.

Планга қўшимча равишда 85 миллион куб метр газ, 5 минг тонна нефть қазиб чиқарилади, 20 минг кубометр йиғма темир-бетон, 3 миллион дона пишиқ ғишт, 1,6 минг тонна пахта толаси, 3,8 минг тонна ун, 2,5 минг тонна қаймоғи олинмаган сут маҳсулотлари ишлаб чиқарилади.

Янги техникага доир 80 та тадбир, 12 та автомат, ярим автомат ва механизациялаштирилган поток линиялар, 11,9 миллион сўмлик иқтисодий самара берадиган 1100 та рационализаторлик таклифи жорий этилади. Маҳсулотнинг 50 та янги турини ишлаб чиқариш ўзлаштирилади. Бешта буюмга давлат Сифат белгиси берилишига эришилади ҳамда аттестациядан ўтказилиши лозим бўлган маҳсулот ҳажмида олий сифат категориясидаги маҳсулотларнинг салмоғи 15 процентгача етказилади.

Темирйўл ва автомобиль транспортида пландан ташқари 350 минг тонна юк ва 500 минг пассажир ташилади. Ҳаракат составидан фойдаланишни яхшилаш ҳисобига қўшимча юк ортиш учун 500 та вагон ҳоли қилинади.

Капитал маблағ самарадорлиги ва қурилиш сифати оширилади. Меҳнат унумдорлигини ўстириш топшириғи 1 процент ошириб адо этилади ва қурилиш-монтаж ишларининг таннархи 0,5 процент пасайтирилади, шунинг ҳисобига қўшимча 4 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилади.

Лойиҳадаги ҳажм — 1525 миллион кубометр сув тўпланишини таъминлайдиган Толлимаржон сув омбори гидротехника иншоотлари комплекси қуриб битказилади. Муборак ТЭЦида биринчи қозон агрегати муддатидан илгари ишга туширилади ва йилига 16 миллиард кубометр газ қазиб чиқариш қувватига эга бўлган «Шўртан» газ конидан барвақт фойдаланишга киришилади.

Баҳористон район марказида Қарши тикувчилик фабрикасининг филиали 15 сентябргача ишга туширилади. Планда кўзда тутилган мактаблар ўқув йили бошланишигача қуриб битказилади.

Уй-жойлар, мактаб бинолари, маданий-маиший объектларнинг камида 90 проценти «яхши» ва «аъло» баҳолар билан фойдаланишга топширилади.

Ер-сув ресурсларидан, агросаноат комплексининг ишлаб чиқариш потенциалидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга эришилади ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини давлат йўли билан харид этиш плани ошириб бажарилади. 625 минг тонна, шу жумладан 137 минг тонна ингичка толали пахта, 140 минг тонна дон маҳсулотлари, 110 минг тонна сабзавот, 45 минг тонна полиз маҳсулотлари, 62 минг тонна хўл мева ва узум, 6 минг тонна картошка, 2150 тонна пилла тайёрланади.

Ем-хашак базасини мустаҳкамлаш, зоотехника ишларини, қорамоллар боқиш ва озиқлантириш технологиясини такомиллаштириш ҳисобига ҳар бир сигирдан соғиб олинадиган сутни 2500 килограммга, гўштга топшириладиган ҳар бир қорамол вазни 400 килограммга етказилади.

План топшириқлари оширилади ва давлатга 35,1 минг тонна гўшт, 78 минг тонна сут, 77 миллион дона тухум, 2900 тонна жун топширилади.

Аҳолига савдо ва маиший хизмат кўрсатиш яхшиланади. Товар обороти ва маиший хизмат реализация қилиш йиллик плани муддатидан илгари бажарилади, давлатга пландан ташқари 1 миллион 300 минг сўмлик мол сотилади ва 55 минг сўмлик маиший хизмат кўрсатилади.

Энергия ресурсларидан оқилона фойдаланиб, 98 миллион киловатт-соат электр энергия, 37 минг гигакалория иссиқлик энергияси, 118 минг тонна қозон-печь ёқилғиси, 4,8 минг тонна дизель ёқилғи, 3,3 минг тонна автобензин, 1,5 минг тонна металл прокати, 8,4 минг тонна цемент ва 6 минг кубометр ёғоч-тахта иқтисод қилинади.

Қашқадарё областининг меҳнаткашлари 1984 йил ва умуман беш йилликнинг тўрт йили топшириқларини ошириб бажариш учун куч, меҳнат ва ғайратни аямайдилар, КПСС XXVI съезди қарорларини амалга оширишга муносиб ҳисса қўшадилар, деб КПСС ленинчи Марказий Комитети ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига ваъда берадилар.

Социалистик мажбуриятлар меҳнаткашлар коллективларида қабул қилинди.

Халқ номзодлари

АҲИЛЛИКДА ҲИКМАТ КЎП

Шовот районидаги «Ленинград» колхози меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитетининг Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи барча сайловчиларига, гражданларига Мурожаатини баланд руҳ билан кутиб олдилар. Жуда катта сиёсий аҳамиятга молик бу ҳужжат зўр қизиқиш билан ўрганиб чиқилмоқда. Хўжалик аъзолари жонажон партиямизнинг даъватига жавобан ўн биринчи беш йилликнинг тўртинчи йилини қувончли натижалар билан нишонлаш учун мусобақани кун сайин кучайтирмоқдалар.

Бу хўжаликда «оқ олтин»дан йил сайин мўл ҳосил етиштириляпти. Пахтакорлар белгиланган марраларни барвақт эгаллаб, эл-юрт ҳурматини қозонмоқдалар. Уларнинг иш тажрибаси ибратлидир. Бу ерда ўз касбининг моҳир усталари меҳнат қилишади. Ровя Раматова ана шу илғорларнинг бири сифатида хўжаликда фахр билан тилга олинади.

Ровя Раматова бошлиқ звено аъзолари ўтган йили қувонарли натижаларни қўлга киритишди. Ҳар гектар ердан 50 центнердан биринчи сорт пахта ҳосили олинди. Ҳосилдорлик ошган сари пахтакорларнинг турмуш фаровонлиги ҳам юксаляпти. Бунга аҳиллик, бир тан, бир жон бўлиб меҳнат қилиш туфайли эришилмоқда. Бригада саркорига ҳамкасблари юксак ишонч билдиришди. У СССР Олий Совети Миллатлар Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатилди. Хўжалик аъзолари унинг номзодини якдиллик билан маъқулладилар.

— Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг шонли 60 йиллиги нишонланадиган йилда зўр фидокорлик билан меҳнат қилмоқдамиз. Мақсадимиз битта: ўтган йилги кўрсаткичдан ўзиб кетиш! «Оқ олтин» мавсумига пухта тайёргарлик кўряпмиз. Техника тахт қилиб қўйилди, — дейди Р. Раматова.

Суратда: СССР Олий Совети Миллатлар Совети депутатлигига номзод Ровя Раматова сувчи Нурилла Қорабоев билан бирга.

Қ. Отаев фотоси. (ЎзТАГ).

КАДРЛАР ЎҚУВИ

КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Ижтимоий фанлар академияси раҳбар партия ва совет кадрлари малакасини ошириш институтида иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари, ўлка ва область партия комитетлари енгил саноат ва халқ истеъмол моллари бўлимлари мудирларининг ўқиши ниҳоясига етди. Улар коммунистик қурилиш назарияси ва практикасига доир, КПСС ва Совет давлатининг иқтисодий сиёсатига, халқаро фаолиятига доир актуал масалаларни, КПСС XXVI съезди, КПСС Марказий Комитети 1982 йил ноябрь, 1983 йил июнь ва декабрь Пленумлари ўртага қўйган вазифалар, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ю. В. Андропов докладлари ҳамда нутқларида баён этилган қоидалар ва хулосалар асосида партия ташкилотларининг ташкилотчилик ҳамда оммавий-сиёсий ишларини бир ой мобайнида ўргандилар.

Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, уларнинг хилини ошириш ва сифатини яхшилаш, бозорни зарур саноат моллари билан тўлдириш, меҳнат унумдорлигини ўстириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархини арзонлаштириш, тўртинчи йил планини ва умуман беш йилликни муваффақиятли бажариш учун социалистик мусобақани ривожлантириш масалаларига катта эътибор берилди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитети секретари Б. Н. Пономарев, КПСС Марказий Комитетининг секретарлари И. В. Капитонов, Н. И. Рижков, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, Фан ва техника давлат комитетининг раиси Г. И. Марчук, КПСС Марказий Комитети бўлимларининг мудирлари Ф. И. Мочалин, В. С. Фролов, КПСС Марказий Комитети бўлими мудирларининг ўринбосарлари В. Г. Захаров, А. Д. Дмитриев, И. К. Капустян, В. М. Никифоров, О. А. Чуканов, СССР министрлари Г. И. Вашченко, В. В. Листов, Н. Н. Тарасов, В. И. Теребилов, СССР Давлат нарх комитетининг раиси Н. Т. Глушков, Центросоюз правлениесининг раиси М. П. Трунов, РСФСР маҳаллий саноат министри В. К. Успенский, СССР министрлари ва давлат комитетлари раисларининг ўринбосарлари А. Е. Донских, Л. А. Костин, Л. Е. Бабашкин, В. П. Лахтин, СССР Халқ контроли комитети раисининг ўринбосари Н. В. Даниленко, Тўқимачилик ва енгил саноат ишчилари касаба союзи марказий комитетининг раиси М. Г. Долженкова, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Ижтимоий фанлар академиясининг профессорлари тингловчилар ҳузурида сўзга чиқдилар.

Машғулотларда бир қанча партия ташкилотларининг экономикани бошқаришни такомиллаштириш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, мол ишлаб чиқаришни кўпайтириш, уларнинг хили ва сифатини яхшилаш соҳасидаги иш тажрибаси кенг ёритилди. Украина Компартияси Марказий Комитетининг секретари Я. П. Погребняк, Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг секретари В. А. Лепешкин, Литва Компартияси Марказий Комитетининг секретари А.-М. К. Бразаускас, КПСС Москва шаҳар комитетининг секретари Л. А. Борисов, Эстония ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари В. А. Кяо, халқ депутатлари Свердловск область Совети ижроия комитетининг раиси А. А. Мехренцев, бир қанча корхоналарнинг раҳбарлари шу масалалар юзасидан докладлар қилдилар.

Пойтахтнинг енгил саноат ва бошқа саноат тармоқлари корхоналарида сайёр машғулотлар ўтказилди. Ана шу корхоналарда партия ташкилотларининг иш услубини такомиллаштириш, план интизомини, ижрочилик ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг бригада формасини жорий этиш, белгиланган топшириқларни бажаришга коллективларни сафарбар этиш соҳасидаги фаолияти ўрганилди. Тингловчилар СССР Енгил саноат министрлиги енгил саноат буюмлари хиллари ва кийим-кечак маданияти Бутуниттифоқ институтининг иши билан, СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида Москва шаҳар корхоналарининг халқ истеъмол моллари кўргазмаси билан, РСФСР Маҳаллий саноат министрлигининг корхоналари ишлаб чиқараётган молларнинг хиллари билан танишдилар. Семинар машғулотларида КПСС XXVI съезди ва КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари қарорларини бажаришни ташкил этиш юзасидан партия комитетларининг сиёсий ҳамда тарбиявий ишларини такомиллаштириш тажрибаси баҳам кўрилди.

СССР МОЛИЯ МИНИСТРЛИГИ ВА СССР ДАВЛАТ БАНКИДАН

Д. И. МЕНДЕЛЕЕВ ТУҒИЛГАН КУННИНГ 150 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЭСДАЛИК ТАНГАСИНИ МУОМАЛАГА ЧИҚАРИШ ТЎҒРИСИДА

Рус химиги Д. И. Менделеев туғилган куннинг 150 йиллиги муносабати билан 1984 йил 8 февралда 1 сўмлик эсдалик тангаси муомалага чиқарилади.

1 сўмлик эсдалик тангаси оқ рангли мис-никель қотишмасидан тайёрланади ва диаметри 31 миллиметрли доира шаклида бўлади.

Танганинг ўнг ва тескари томонлари қирраси қабариқ қилиб ишланади.

Танганинг ўнг тарафига СССР давлат герби ва «СССР» «1 рубль» ва «1984» деб ёзилади.

Танганинг тескари тарафига Д. И. Менделеевнинг рельеф тасвири ва унинг ўнг тарафига «1834» ва «1907» саналари жойлаштирилади, қуйи қисмига «Д. И. МЕНДЕЛЕЕВ» деб ёзиб қўйилади.

Танганинг қиррасига «ОДИН РУБЛЬ» сўзлари икки қайта ўйиб ёзилиб, ораси икки нуқта билан ажратилади.

ВАТАНИМИЗ ГУЛЛАБ-ЯШНАШИ УЧУН

Ўзбекистон пойтахтининг меҳнаткашлари Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг мамлакатимиз барча сайловчиларига, гражданларига Мурожаатини баланд руҳ билан кутиб олдилар. Меҳнат коллективларида бўлиб ўтаётган митингларнинг қатнашчилари партиянинг ички ва ташқи сиёсатини якдиллик билан қўллаб-қувватлаётганликларини билдирмоқдалар, СССР Олий Советига сайлов кунини юксак ишлаб чиқариш ютуқлари билан нишонлашга тайёр эканликларини изҳор этмоқдалар.

«Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмасида кўп кишилик митинг бўлиб ўтди. Митингда сўзга чиққан кишилар бундан олдинги сайловдан бери ўтган вақт ичида мамлакатимиз экономика ва маданиятни ривожлантиришда жуда катта ютуқларга эришганлигини таъкидлаб ўтдилар. Партия XXV ва XXVI съездлари ҳамда КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари қарорларида ўртага қўйилган вазифаларни бажаришга бирлашма меҳнаткашлари ҳам салмоқли ҳисса қўшдилар. Бирлашма коллективи КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил декабрь Пленуми қарорларига иш билан жавоб бериб, иқтисодий эксперимент ўтказилаётган шароитда шу йилги топшириқни муддатидан илгари бажариш ва пландан ташқари 300 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш мажбуриятини олди.

Ленин номли электрон-техника заводида бўлиб ўтган митинг қатнашчилари корхона меҳнаткашларини КПСС Марказий Комитетининг сайловчиларга Мурожаатига зарбдор меҳнат билан жавоб қайтаришга, Ватаннинг иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлашга доир вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш учун энг кўп даражада куч-ғайрат сарфлашга даъват этдилар. Улар ўртоқ Ю. В. Андроповнинг «Правда» газетаси саволларига жавобларидаги қоидалар ва хулосаларни коллектив номидан қизғин маъқулладилар. Бу жавобларда бутун совет халқининг тинчликни қаттиқ туриб ҳимоя қилишга, ядро ҳалокати хавфини бартараф этишга бўлган хоҳиш-иродаси изҳор этилган. (ЎзТАГ).

ЭЛЧИ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Тихонов 6 февраль куни Кремлда ЮСФРнинг СССРдаги элчиси М. Друловични унинг илтимосига биноан қабул қилди.

Дўстона вазиятда ўтган суҳбатда Совет—Югославия муносабатларини янада ривожлантиришга доир бир қанча масалалар юзасидан фикрлашиб олинди. (ТАСС).

1984 йил 4 март СССР Олий Советига САЙЛОВ

ХАЛҚНИНГ МУНОСИБ ВАКИЛЛАРИ

СССР Олий Совети Миллатлар Советига сайлов ўтказувчи 99-Избоскан сайлов округининг округ сайлов комиссияси Андижон область, Балиқчи районидаги «КПСС XXV съезди» колхозининг раиси **Абдикарим Мўминов**ни депутатликка номзод этиб рўйхатга олди.

97-Андижон сайлов округи округ сайлов комиссиясининг мажлисида СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Физкультура ва спорт комитетининг раиси **Марат Владимирович Грамов** СССР Олий Совети Миллатлар Совети депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олинди.

594-Самарқанд шаҳар сайлов округи округ сайлов комиссияси Самарқанд область партия комитетининг биринчи секретари **Рашид Салоҳиддинович Ашуралиев**ни шу округдан СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига номзод этиб рўйхатга олди.

Самарқанд область, Большевик районидаги К. Маркс номли колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **Жониқул Юсупов** округ сайлов комиссиясининг мажлисида 111-Самарқанд қишлоқ сайлов округидан СССР Олий Совети Миллатлар Совети депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинди.

123-Ленинград сайлов округидан округ сайлов комиссияси Фарғона область партия комитетининг биринчи секретари **Ҳамдам Умаров**ни СССР Олий Совети Миллатлар Совети депутатлигига номзод этиб рўйхатга олди.

124-Марғилон сайлов округининг округ сайлов комиссияси Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари **Сарвар Олимжонович Азимов**ни СССР Олий Совети Миллатлар Совети депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олди.

Бухоро область партия комитетининг биринчи секретари **Исмоил Жабборов**ни округ сайлов комиссияси 100-Бухоро сайлов округидан СССР Олий Совети Миллатлар Совети депутатлигига номзод этиб рўйхатга олди.

Округ сайлов комиссиясининг мажлисида Қашқадарё область, Яккабоғ районидаги «Қизил юлдуз» колхозининг бригадири **Муҳаббат Худойқулова** 104-Шаҳрисабз сайлов округидан СССР Олий Совети Миллатлар Совети депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олинди.

589-Наманган сайлов округининг округ сайлов комиссияси Наманган область партия комитетининг биринчи секретари **Назир Ражабович Ражабов**ни шу округдан СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига номзод этиб рўйхатга олди.

113-Термиз сайлов округи округ сайлов комиссияси Сурхондарё область, Гагарин районидаги «Правда» совхозининг бригадири **Қурбоной Дурриевна Қораҳонова**ни шу округдан СССР Олий Совети Миллатлар Совети депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олди.

114-Гулистон сайлов округининг округ сайлов комиссияси Сирдарё область партия комитетининг биринчи секретари **Виктор Алексеевич Хайдуров**ни СССР Олий Совети Миллатлар Совети депутатлигига номзод этиб рўйхатга олди.

Сирдарё область, Ильич районидаги «Правда» совхозининг бригадири **Минаввар Мирбобоева**ни округ сайлов комиссияси 599-Янгиер сайлов округидан СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига номзод этиб рўйхатга олди.

118-Ангрен сайлов округида округ сайлов комиссияси Тошкент область, Оққўрғон районидаги «Оққўрғон» совхозининг бригадири **Кенжа Аҳмедов**ни СССР Олий Совети Миллатлар Совети депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олди.

602-Тошкент-Октябрь сайлов округининг округ сайлов комиссияси Беруний номидаги Тошкент политехника институтининг ректори **Карим Содиқович Аҳмедов**ни СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олди.

Округ сайлов комиссияси СССР транспорт қурилиши министри **Иван Дмитриевич Соснов**ни 605-Бўка сайлов округидан СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига номзод этиб рўйхатга олди.

Округ сайлов комиссиясининг мажлисида Хоразм область, Боғот районидаги Нариманов номли колхоз раиси **Абдулла Искандаров** 127-Хива сайлов округидан СССР Олий Совети Миллатлар Совети депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинди.

559-Беруний сайлов округининг округ сайлов комиссияси Қорақалпоғистон АССР, Элликқалъа районидаги Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номли совхоз-техникумининг механизатори **Дилором Султоновна Ҳусаинова**ни СССР Олий Совети Миллатлар Совети депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олди.

Округ сайлов комиссияси Қорақалпоғистон АССР, Тўрткўл районидаги Димитров номли колхоз пиллачиси **Ўғилжон Жумабоевна Сапаева**ни 565-Тўрткўл сайлов округидан СССР Олий Совети Миллатлар Совети депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олди.

608-Янгийўл сайлов округида округ сайлов комиссияси, Тошкент область Ғалаба районидаги «Победа» колхозининг бригадири **Владимир Константинович Дюгай**ни СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олди.

(ЎзТАГ).

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: КОМИТЕТНИНГ ИШ УСЛУБИ

ИЖРО ИНТИЗОМИ — МУҚАДДАС

ЯНГИАРИҚ РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИ ҚИШЛОҚДА ҚУРИЛИШ ИШЛАРИНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ ВА УНИНГ СИФАТИНИ ОШИРИШГА ДОИР ЎЗ ҚАРОРЛАРИ БАЖАРИЛИШИНИ ТАЪМИНЛАШ УЧУН ЕТАРЛИ ТАШКИЛОТЧИЛИК ВА ТАРБИЯВИЙ ИШ ОЛИБ БОРМАЁТИР

Қурилиш ташкилотларининг раҳбарлари район партия комитетига таклиф қилинди. Райкомнинг иккинчи секретари Марат Матёқубович Юсуповнинг кабинетида қурилиш объектларидаги аҳвол таҳлил этилди, ҳал этилмаган муаммолар, кечиктириб бўлмайдиган ишлар хусусида жиддий, принципиал тарзда гаплашиб олинди. Топшириқлар аниқ, энди гап уларнинг бажарилишида...

Бундай йиғилиш ва кенгашлар тез-тез ўтиб туради. Халқ хўжалигининг зарбдор соҳаси — капитал қурилиш райкомнинг диққат марказига олинган. Пленум, партия-хўжалик активи йиғилиши, бюро мажлислари кун тартибида қишлоқ қурилишида индустриал методларни, бригада пудрати усулини жорий этиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, қурилишни жадаллаштириш ва унинг сифатини яхшилаш масалалари тегишли ўринни эгаллаяпти. Масалан, беш йилликнинг ўтган уч йили ичида район партия комитети капитал қурилишга доир 22 та масалани муҳокама этган, муҳим қарорлар қабул қилган.

Хўш, қурилишга партиявий раҳбарликни кучайтириш соҳасидаги ишлар қандай натижа беряпти? Аввало, қурувчилар қўлга киритаётган ютуқлар салмоқли эканлигини қайд қилиб ўтишимиз керак. Ўн биринчи беш йилликнинг уч йили мобайнида 19 миллион сўмлик ҳажмда қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. 11 минг квадрат метр уй-жой, 1264 ўқувчига мўлжалланган мактаб, 4 та болалар боғча-яслиси, қатор ишлаб чиқариш бинолари қад кўтарди. Янги ерларни ўзлаштириш ва капитал текислаш ишлари кўлами бирмунча кенгайди.

Умуман, қурилиш ташкилотларида белгиланган план топшириқлари тўла ва ошириб бажарилаётир. Аммо пировард натижага баҳо беришда қурилиш ишларининг умумий ҳажмигина мезон эмас, бунда барча иқтисодий кўрсаткичлар ҳисобга олинади. Ишлаб чиқариш самарадорлиги, меҳнат унумдорлиги, қурилишнинг сифати, таннархи, объектларнинг ўз вақтида фойдаланишга топширилиши, тежамкорлик режимига риоя қилиниши муҳим эканлигини унутмаслик керак. Қурилиш ташкилотларининг аксариятида бу кўрсаткичлар қониқарли эмас. Талай объектларда қурилиш-монтаж ишлари чўзилиб кетяпти, бажарилган ишларнинг сифати паст, меҳнат интизомининг бузилишига, прогулчилик ва қўнимсизликка йўл қўйилаётир. Илғор технологияни, бригада пудрати методини жорий этишда сусткашлик ҳукм сурмоқда.

Бу масалалар район партия комитетида муҳокама қилиниб, ҳар гал мавжуд нуқсонларни тугатиш тадбирлари белгиланаётганлигидан кўз юмиб бўлмайди. Афсуски, бошланган иш охирига етказилмайди, қарорларда белгиланган кўпгина тадбирлар ижросиз қолиб кетади. Натижада нуқсонлар давом этаверади, ишда ўзгариш ясалмайди.

1982 йил ўрталарида партия-хўжалик активи йиғилишида, ўтган йили райком бюросининг мажлисларида қурилиш ташкилотларининг фаолияти уч маротаба таҳлил қилинди. «Харезмводстрой» трестига қарашли Янгиариқ ва Стаханов кўчма механизациялашган колонналари, 21-қишлоқ қурилиши трестининг хўжалик ҳисобидаги участкаси, колхозлараро кўчма механизациялашган колонна ва бошқа бўлинмаларнинг ишларидаги жиддий камчиликлар кўрсатиб ўтилди. Қабул қилинган қарорларда қурилиш ташкилотлари раҳбарлари ва бошланғич партия ташкилотлари зиммасига юкланган муайян вазифалар, кўрсатма ва йўл-йўриқлар ўз ифодасини топди.

Қарорларда асосий диққат-эътибор тугалланмаган объектлар сонини камайтиришга, уй-жойлар ва жамоат биноларини, биринчи навбатда мактаблар ва болалар муассасаларини белгиланган муддатда ишга туширишга, қурилишда прогрессив методларни, бригада пудратини кенг жорий этишга, меҳнат интизомини бутун чоралар билан мустаҳкамлашга қаратилган эди. Эътироф қилиш керакки, белгиланган тадбирларнинг кўпчилиги амалга ошигани йўқ. Куч ва моддий ресурслар ҳозир ҳам кўплаб объектларга сочиб юбориляпти, интизомсизлик ва қўнимсизликка барҳам берилмаган. Натижада қурилиш муддатлари чўзилиб кетмоқда.

Янгиариқ кўчма механизациялашган колоннаси асосан янги ташкил этилган «Соҳибкор» узумчилик совхозида қурилиш ишларини олиб боради. Аммо белгиланган топшириқлар мутлақо қониқарсиз бажарилаётир. Ўтган йили 100 гектар ўрнига атиги 30 гектар ер ўзлаштирилган, икки квартирали 5 та уй-жойдан фақат биттаси фойдаланишга топширилган. Магистрал канал реконструкцияси чўзилиб кетди. Тугалланмаган қурилишлар қисқариш ўрнига кўпайди. Меҳнат интизоми бузилиши ва прогулчилик авж олганлиги оқибатида иш вақтининг анчагина қисми йўқотилишига йўл қўйилаётир. Транспорт воситалари ва бинокорлик материаллари таъминотини яхшилаш масаласи мажлис ва кенгашларда кўтариб чиқилди-ю, аммо ҳамон ижобий ҳал бўлмаяпти.

Киров номли колхозда янги очилган 89 гектар ер майдонининг 30 гектаридан фойдаланиш имкони йўқ, чунки сув йўли ва ирригация иншооти қурилиши кечикмоқда, Шу колхозда 620 ўринли мактаб қурилиши ҳам ўлда-жўлда. Қурилишга 540 минг сўм маблағ ажратилган, уч йилда бу маблағнинг 165 минг сўми ўзлаштирилган, холос. Иш шундай суръат билан давом этса, мактаб қачон битади? Бино етишмагач, айрим синфларнинг дарс машғулотлари болалар боғчасида ўтказилаётганлиги нормал ҳол эмас-ку. Хўжалик ҳисобидаги участка раҳбарлари мактаб қурилишини тезлатиш тўғрисида райком бюроси мажлисларида ваъдалар беришяпти. Ваъдага вафо қани? Ҳозирги кунда объектда фақат 14 киши ишлаб турибди. Уларнинг ҳам иш унуми паст. Ўтган йил декабрь ойида ниҳояти икки минг сўмлик иш бажарилганлигини айтиш кифоя. Объектларнинг кўпчилигида қурилиш ишларининг суръати ҳам, сифати ҳам оқсаяпти Участка бошлиғи Б. Бобожонов, бошланғич партия ташкилоти секретари И. Юсупов қурилишда прогрессив усулларни, бригада пудрати методини жорий этиш ҳақида ҳадеб ваъзхонлик қилишади-ю, амалда бу метод мавжуд 9 та бригададан эндигина биттасида жорий қилинган.

Колхозлараро кўчма механизациялашган колонна қурилиш ишлари салмоғи жиҳатидан етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Куч ва техникадан фойдаланиш ҳамда меҳнатни ташкил этишда жиддий камчиликлар ҳукм сураётганлиги натижасида объектларда суръат кўтарилмаётир. Киров номли колхозда водопроводни ишга тушириш муддати аллақачон ўтиб кетган. Шунга қарамай, ажратилган 400 минг сўм маблағнинг ярми ҳали ўзлаштирилмади. Чапаев номли колхозда сигирхона, «Москва» колхозида мактаб биноси қурилиши ҳам олдинга силжимаётир. Эҳтимол, колонна бошлиғи И. Машарипов пудрат ташкилотларининг бепарволиги, темир-бетон плита ва бошқа материаллар етишмаётганлиги сингари айрим сабабларни сусткашликка пеш қилишида жон бордир. Лекин ҳеч қандай баҳона нуқсонларни оқлашга асос бўла олмайди. Аслини олганда, интизом бўшашиб кетганлиги, қўнимсизлик, қурувчиларга қулай меҳнат шароити яратилмаганлиги суръатни жадаллаштиришга халақит бермоқда. Бошланғич партия ташкилоти, партбюро секретари Г. Панаева социалистик мусобақани ташкил этиш, бинокорлар ўртасида оммавий-сиёсий ишни кучайтиришга етарли аҳамият бермаётир. Бу ерда коммунистларнинг етакчилик ва авангардлик роли сезилмаётир. Айрим масъул ходимларда жавобгарликни ҳис этиш, интизом ва талабчанлик етишмаяпти.

Район партия комитетининг 1983 йил 11 ноябрь ва 23 декабрда бўлиб ўтган бюро мажлисларида капитал қурилиш масаласи яна муҳокама этилди, умумий тарзда бўлса ҳам, ҳар бир қурилиш ташкилотининг бир йиллик фаолияти таҳлил қилинди. Мажлис протоколлари, қабул қилинган қарорларни кўздан кечирсангиз, одатдагидек, камчиликлар санаб ўтилган, вазифалар илгари сурилган, раҳбарларнинг зиммасига қурилишда жадал суръат ва юқори сифатни таъминлаш, объектларни ўз муддатида фойдаланишга топшириш мажбурияти юкланган. Бошланғич партия ташкилотларига берилган йўл-йўриқларда ҳам янгилик йўқ. Маъноси ўхшаш топшириқ ва кўрсатмалар ҳар бир қарорда такрорланади. Ахир, бу вазифалар қурилиш ташкилотлари раҳбарларига аввалдан ҳам маълум-ку? Масалалар муҳокамасида ва қарорлар қабул қилишда расмиятчилик ва юзакичиликдан қочиб, ишга амалий нафи тегадиган конкрет, оператив тадбирлар белгиланса ва амалга оширилсагина кутилган натижага эришиш мумкин.

Қабул қилинган қарор ҳаракат учун қўлланма бўлиб, партия ташкилоти ва меҳнат коллективининг амалий фаолиятини аниқ мақсадга йўналтириб туради. Район партия комитети ўтган йили капитал қурилишга оид етти масалани муҳокама қилди, қарорларда актуал вазифалар қамраб олинди. Лекин, уларда қайси иш учун ким масъуллиги, ижро муддати аниқ кўрсатилмаган, нуқсонларнинг сабаблари очиб берилмаган, муаммоларни ҳал этишнинг конкрет йўллари акс эттирилмаган. Бу ўринда бир нарсани эслатиб ўтмоқчимиз. В. И. Ленин партия ва совет муассасаларига, айрим раҳбарларга йўллаган хатларида топшириқнинг ижроси учун шахсан жавобгар кишининг белгиланишини, вазифалар аниқ ифодаланишини, ижронинг муддатлари қатъий белгилаб қўйилишини талаб қиларди. Бу талаб партия қарорига ҳам тааллуқли, албатта.

Ижрони текшириш планли, мунтазам ва амалий назоратни ўз ичига олсагина, кўзда тутилган самарани беради. Камчиликлар аниқланса-да, улар қатъият билан бартараф қилинмаётганлиги, белгиланган тадбирлар қоғозда қолиб кетаётганлиги район партия комитети ўзи қабул қилган қарорларнинг бажарилиши устидан доимий, изчил равишда контроллик ўрнатмаганлигини кўрсатади.

Кези келганда, райком қурилиш бўлинмаларидаги бошланғич партия ташкилотларининг жанговарлигини ошириш тўғрисида ҳам етарли ғамхўрлик қилмаётганлигини айтиб ўтиш лозим. Вақти-вақти билан уларнинг фаолиятини чуқурроқ таҳлил қилиш, ҳисоботларини тинглаш қурилиш соҳасида ишлаётган коммунистларнинг ташаббускорлиги ва масъулиятини оширишда шубҳасиз катта роль ўйнайди.

Район қурувчиларининг бу йилги марралари юксак. Улар қабул қилган социалистик мажбуриятларда қурилиш ишларини аниқ маромда, сифатли ва тежамли олиб бориш, ишлаб чиқаришда илғор технологияни кенг жорий этиш, объектларни ишга тушириш муддатларини қисқартириш кўзда тутилган. Улкан режалар ўз-ўзидан рўёбга чиқмайди. Бунинг учун ижро интизомини мустаҳкамлаш, топширилган иш учун кадрларнинг масъулиятини ошириш, сўз билан иш бирлигини таъминлаш талаб этилади. Янгиариқ район партия комитети бу йўлда собитқадамлик билан кураш олиб бориши, партия қарорларининг, ўзи белгилаган тадбирларнинг сўзсиз амалга оширилишига эришмоғи лозим.

Ф. ЗОҲИДОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ЛОЙИҲАСИ УМУМХАЛҚ МУҲОКАМАСИДА

ҲАЁТ ТАҚОЗОСИ

КПСС Марказий Комитетининг Лойиҳаси мамлакатимизда умумий таълим ва ҳунар мактабларининг ҳозирги шароитларини ҳисобга олган ҳолда уларни келгусида ҳар томонлама такомиллаштириш ва мактаб билан ишлаб чиқариш корхоналари, оила, жамоатчиликнинг алоқаларини янада мустаҳкамлаш вазифаларини қамраб олган.

Ёш авлодни мустақил фикрлашга ўргатиш, ўз фикрини оғзаки ва ёзма равишда тўғри ва аниқ баён этиш кўникмаларини ривожлантириш зарур. Ана шу жиҳатдан она тили ва адабиёти, рус тили ва адабиёти ҳамда чет тили дарслари замонавий талаблар даражасида бўлишини таъминлаш керак. Чунки мактабда ва ундан ташқарида фан ва техника сирларини ўрганиш, умуман, ёшларга билим ва тарбия бериш тил ёрдамида амалга оширилади. Шу жиҳатдан Лойиҳанинг 9-бандидаги қуйидаги фикрлар диққатга сазовордир: «Она тили билан бирга совет кишилари миллатлараро алоқа воситаси деб ихтиёрий қабул этган рус тилини ўрганиш учун шарт-шароитларни яхшилаш юзасидан қўшимча чоралар кўрилсин. Рус тилини эркин билиш ўрта ўқув юртларини тамомлаётган ёшлар учун норма бўлиб қолиши керак». Бу вазифани амалга оширишда Ф. Энгельс номли Тошкент давлат чет тиллар педагогика институтида рус тили бўйича ҳам ўқитувчилар тайёрлашга ўтилганлиги алоҳида аҳамият касб этади.

Улуғ доҳийларимиз К. Маркс, Ф. Энгельс, В. И. Ленин чет тилларнинг бир нечтасини яхши билганлар ва улардан ўз революцион ва илмий фаолиятларида моҳирона фойдаланганлар. Чет тилларни ўрганиш интернационал таълим-тарбиянинг муҳим бир омили бўлиб қолди. Бу борадаги билим ҳозирги кунда хорижий мамлакатлар билан маданий ва иқтисодий алоқаларни ривожлантириш учун, фан ва техника ютуқларини ўрганиш ва улардан халқ хўжалигида фойдаланиш учун хизмат қилмоқда. Лекин умумий таълим ва ҳунар мактабларининг аксариятида ёшларни чет тилига ўргатиш ҳозирги давр талабларига тўла жавоб бера оладиган даражада дейиш қийин. Шу боисдан Лойиҳанинг 9-банди охирига қуйидагиларни қўшимча қилишни таклиф этамиз: **«Чет тилларга ўргатишнинг сифат ва самарадорлигини оширишга, ундан муҳим интернационал тарбия воситаси сифатида фойдаланишга эътибор кучайтирилсин».** Айни вақтда юқоридаги фикрлар Лойиҳанинг 36-бандида қуйидаги қўшимчани тақозо қилади: **«Рус тили ва адабиёти, она тили ва адабиёти ҳамда чет тили дарслари учун зарур бўлган замонавий техника воситалари, ўқув кинофильмлари ва кўргазмали қуроллар билан таъминлашни яхшилаш чоралари кўрилсин».**

Лойиҳанинг 36-бандида педагогика олий ва ўрта ўқув юртлари коллективларининг умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилиш билан боғлиқ бўлган вазифалари аниқ кўрсатилган. Бу юксак вазифаларни амалга ошириш учун ўқитувчи нафақат ўз соҳасини яхши билиши, балки чуқур ғоявий-сиёсий билимга эга бўлиши ҳамда психолог-методист бўлиши талаб қилинади. Баъзан ўз мутахассислиги бўйича бирор корхонада ишни эплай олмаган кишиларни мактабга ўқитувчи қилиб юбориш ҳоллари ҳам учраб туради. **Умуман, педагогик фаолиятдан хабари бўлмаганларни мактабларга, ҳатто олий ва ўрта педагогика ўқув юртларига ўқитувчи сифатида қабул қилиш ҳолларига бутунлай чек қўйиш лозим.**

Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари Лойиҳаси, ҳеч шубҳасиз, ривожланган социализм жамияти маорифи ва ҳунар-техника таълими системасининг ёрқин истиқболини белгилаб берувчи дастуриламал бўлади.

А. АБДУАЗИЗОВ,
Ф. Энгельс номли Тошкент давлат чет тиллар педагогика институтининг кафедра мудири, филология фанлари доктори, профессор.

ХУШХАБАРЛАР

НОВАТОРЛАР ТАКЛИФИ

Тошкент метрополитенида рационализаторлар таклифига биноан йўл устки қурилишини ювиш учун қўшимча қувур ўрнатилди. Қурилма шу операцияда меҳнатни енгиллаштиришдан ташқари, ҳар йили қарийб ўн беш минг сўм пулни тежашга имкон беради.

ЧОРВАДОРЛАР БУЮРТМАСИ БИЛАН

Намангандаги «Узэлектротерм» заводининг машинасозлари Украина чорвадорларига фермаларни иситиш учун 300 электропечь юбориб, масъулиятли буюртмани муддатидан илгари адо этдилар. Завод йил бошидан бери Қозоғистон, Белоруссия ва Болтиқбўйи чорвачилик комплекслари учун жами 2400 та шундай электропечь ортиб жўнатди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан қарийб 2,5 баравар кўпдир.

Республикамиз саноат корхоналари, қурилиш ва транспорт ташкилотлари коллективлари СССР Олий Советига сайловолди социалистик мусобақасини авж олдириб юбордилар. Улар кунлик план-топшириқларини муттасил ошириб бажариб, графикдан олдинда боришяпти. Суратларда: 1. Самарқанд тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг илғор ишчиси Махтума Ҳасанова. У айни кунларда 1987 йил ҳисобига меҳнат қилмоқда. 2. Тошкентдаги 8-қурилиш трестига қарашли 4-бинокорлик бошқармасининг пешқадам бунёдкорлари: (чапдан) А. Глатин, Р. Вас, Н. Федорошин ва Ҳ. Алимбеков ўртоқлар.

Р. Ғафуров (ЎзТАГ). А. Тўраев фотолари.

БИЗНИНГ ҲАМ БУРЧИМИЗ

Биз, Улуғ Ватан уруши ва меҳнат ветеранлари жуда ҳам муҳим сиёсий ҳужжат — мактаб ислоҳоти лойиҳаси билан танишиб, партия ва ҳукуматимизнинг жамиятимиз келажаги, равнақи йўлидаги яна бир ғамхўрлигидан беҳад хурсанд бўлдик. Ворисларимиз бўлмиш ёш авлодни коммунистик идеалларга содиқ, ғоявий-сиёсий жиҳатдан етук, умуман баркамол қилиб тарбиялаш ота-оналар, ёинки педагогларнинггина эмас, ҳаммамизнинг, хусусан биз каби ветеранларнинг ҳам гражданлик бурчидир.

Лойиҳадаги умумий таълим ва ҳунар мактабларининг ишини яхшилаш ҳақида фикр юритилган саккизинчи, мешчанлик, текинхўрликка, истеъмолчиликка муросасизлик руҳида тарбиялашга бағишланган ўн иккинчи, ёшларни она-Ватанга меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялаш, ҳарбий ватанпарварлик тарбиясини кучайтиришга бағишланган ўн еттинчи, шунингдек, совет жамиятида ўқитувчининг ўрни масалаларига бағишланган бандлари бизга жуда маъқул бўлди.

Ислоҳот режалари билан танишиш чоғида баъзи мулоҳазалар ҳам туғилди. Ҳамонки, ёшларимизни ҳар томонлама уйғун ривожлантириш мактаб, оила қатори бутун жамоатчиликнинг иши экан, **умумий таълим ва ҳунар мактаблари қошида ўқувчиларнинг партия, уруш ва меҳнат ветеранлари, ишлаб чиқариш илғорлари, фан-техника намояндалари билан учрашувларини уюштириб борадиган комиссиялар тузилса,** жуда яхши бўларди. Шунда, ҳеч шубҳасиз, ўқувчиларда пухта билим олиш билан бир вақтда жамиятимиз учун, халқимиз фаровонлиги учун ҳалол, виждонан, онгли равишда меҳнат қилиш туйғулари янада активроқ шаклланa боради.

О. ХОЛЖИГИТОВ,
республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи.
Қ. ҒАФФОРОВ,
И. БОБОМИРЗАЕВ,
Улуғ Ватан уруши ва меҳнат ветеранлари.
Самарқанд область, Булунғур районидаги Фозил Йўлдош ўғли номли совхоз.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

«ТЕШИК ЧЕЛАК СИРИ»

Шундай сарлавҳали танқидий материал газетанинг шу йил 12 январь сонида босилган эди. Унда **«СОЮЗТЕЛЕФОНСТРОЙ» ТРЕСТИНИНГ ТОШКЕНТ ҚУРИЛИШ-МОНТАЖ БОШҚАРМАСИ**га қарашли автохўжаликда нефть маҳсулотларидан фойдаланишда талон-торожликларга йўл қўйилаётгани ҳоллари танқид қилинган эди.

Қурилиш монтаж бошқармасидан олинган жавобда мақолада келтирилган фактлар тўғри деб топилган.

Мақола бўлим мудирлари, участка бошлиқлари, ҳисобкитоб учун масъул ходимлар иштирокида бошқарма партия ташкилотининг йиғилишида атрофлича муҳокама этилди ва камчиликларни тугатиш чора-тадбирлари белгиланди.

Ўз ишига совуққонлик билан муносабатда бўлиб, ёнилғи-мойлаш материалларидан шахсий манфаатлари йўлида фойдаланган учун вақтинча бош механик вазифасини бажарувчи В. И. Кузьмина лавозимидан четлатилди, гараж мудири Н. Е. Ильин ва диспетчер В. В. Терентьеваларга қаттиқ ҳайфсан берилиб, келтирилган зарарнинг бир қисми ундириб олинадиган бўлди. Автозаправкачи С. Умаралиев зиммасига эса етишмаётган бензинни тўлиқ нархда тўлаш юклатилди.

Йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш ва белгиланган чора-тадбирларни бажариш назорат остига олинди.

МУҲИМ ТАРИХИЙ МАНБА

КИТОБЛАР ОЛАМИДА

Таниқли партия ва давлат арбоблари қолдирган ёзма маънавий мерос улкан илмий-маданий аҳамиятга эга. Чунки, у тегишли фанларни зарур далил ва фикрлар билан бойитади. Китобхонлар оммасининг илмий-техникавий савиясини оширишга, дунёқарашларини кенгайтиришга ёрдам беради. Шунингдек, у ўтмишни бугунги кун билан солиштириш, тарихий тажрибаларни умумлаштириш асосида ҳозирги муҳим социал масалаларни ҳал этишга ҳам кўмаклашади.

Шу маънода яқинда рус тилида чоп этилган шонли партия, Совет давлатимизнинг таниқли ва йирик арбобларидан бири, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг собиқ секретари Усмон Юсупович Юсупов танланган асарлари уч томлигининг биринчи томи алоҳида аҳамият ва диққат-эътиборга сазовордир. Бу тўпламни фақат илмий ва маданий зиёлиларгина эмас, балки кенг китобхонлар оммаси ҳам катта қизиқиш ва кўтаринки руҳ билан кутиб олдилар. Бунга сабаб, бир томондан, Усмон Юсуповнинг халқ орасига сингиб кетган қайноқ қалб ҳарорати, ҳурмат ва эҳтироми бўлса, иккинчи томондан, тўпламнинг беқиёс илмий тарихий ва амалий қимматга эга бўлганлигидир.

У. Юсупов танланган асарларининг биринчи томи Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги партия тарихи институти — КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги марксизм-ленинизм институти филиали ва Ўзбекистон ССР Фанлар академияси тарих институти томонидан нашрга тайёрланган. Унга У. Юсуповнинг 20-30 ва 40-йилларнинг бошларига оид 160 дан ортиқ ёзма меросидан илмий- археографик асосда саралаб олинган 33 та энг характерли мақола, доклад ва нутқлари киритилган.

Китоб ўзида аниқ бир тарихий давр мазмунини акс эттиради. У қамраб олган масалалар хилма-хил. Шу жиҳатдан ҳам уни Ўзбекистонда марксча-ленинча таълимот тантанаси — социалистик жамият қурилиши ва мустаҳкамланишига оид материаллар намунаси десак муболаға бўлмас. Дарҳақиқат, тўпламнинг «Сўз боши»сида ҳам ҳақли равишда бу тўғрида «Усмон Юсуповнинг мақола, доклад ва нутқлари ўта қимматли бўлиб, улар социалистик қурилиш йилларида Ўзбекистон ССРдаги саноат, қишлоқ хўжалиги ва маданият ривожланишини аниқ ва ҳар томонлама ёритади», деб кўрсатилади.

Усмон Юсупов асарларининг илмий ва амалий қимматини ҳамда характерли томонлари шундаки, улар бевосита ўзбек диёрида асрлар оша ўз ечимини кутиб ётган муҳим ҳаётий масалаларга бағишланади.

Ўзбекистонда саводсизликни тугатиш ва социалистик маданиятни яратиш, хотин-қизларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш, сув танқислигига барҳам бериш, социалистик экономикани қарор топтириш ва ривожлантириш каби қатор масалаларнинг илғор рус пролетариати ёрдамида тарихий қисқа давр ичида ҳал этилиши китобнинг асосий мавзуини ташкил этади.

Усмон Юсупов ўзбек халқи тарихидаги мана шу буюк революцион ўзгаришлар даври — феодализмдан (капитализмни четлаб) социализмга ўтиш ва уни мустаҳкамлаш учун кураш даврида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари сифатида улкан масъулиятни ўз зиммасига олган кишилардан бири бўлди. У ҳаёт дорилфунунининг ўзидан сабоқ олди ва партия ишида тобланди. Китобни варақлаган ҳар бир киши У. Юсуповнинг ёрқин ҳаёт йўли, партиявий иш услуби ва тажрибаси билан яқиндан танишиб, ундан катта маънавий озуқа олишига ишончимиз комил.

Тўпламга киритилган доклад, нутқ ва мақолалар илмий-ижодий хулосалар, чуқур мазмунли ҳамда мароммига етган оптимистик фикр ва умумлашмаларга жуда бой. Мана шулардан бири Ўзбекистонда социалистик жамият қурилишининг оламшумул тарихий аҳамияти тўғрисида У. Юсупов республика Коммунистик партиясининг VIII съездида (1939 й.) қилган докладида бундай деган эди: «Ҳозирги Ўзбекистон социалистик мамлакатнинг Шарқдаги қудратли истеҳкомидир.

... Ўзбекистоннинг намунаси ва тажрибаси Шарқдаги мустамлака ва ярим мустамлака мамлакатларнинг барча мазлум ва ҳақ-ҳуқуқсиз меҳнаткашларига бахтиёр, эркин ва фаровон ҳаётнинг бирдан бир йўлини кўрсатади».

У. Юсуповнинг бу сўзларини тарих исботлади. 1959 йилда республикамиз бўйлаб сафар қилган суданлик олим ва жамоат арбоби Аҳмад Абдил Ҳалим бундай деб ёзади: «Ўзбекистондаги фан тараққиёти менда жуда кучли таассурот қолдирди. Бунинг ҳаммаси улуғ В. И. Ленин Декрети билан вужудга келган Тошкентдаги дорилфунунингиздан бошланди. Маориф ва фаннинг ривожланиши экономика соҳасида ажойиб муваффақиятларга олиб келган. Буни мен республикангизни айланиб юрганимда ўз кўзим билан кўрдим. Ўзбекистонда тўпланган тажриба ривожланаётган мамлакатларнинг халқлари учун жуда ибратлидир. Ўзбекистон биз учун ажойиб ибрат ва рамз бўлиб қолади».

Шу каби фикрлар яқинда Тошкентда бўлиб ўтган Осиё ва Африка ёзувчиларининг VII Конференцияси ва бошқа халқаро учрашув, кенгашларда такрор ва такрор айтилмоқда.

«Биз яшаб, меҳнат қилаётган жамиятни, — деган эди Ю. В. Андропов КПСС Марказий Комитетининг июнь (1983 й.) Пленумида, — ҳали етарли даражада ўрганиб чиққанимиз йўқ, бу жамиятга хос қонуниятларни тўлиқ очиб берганимиз йўқ».

Усмон Юсуповнинг танланган асарлари мана шу «биз яшаб, меҳнат қилаётган» ривожланган социалистик жамиятнинг бошланғич даврларидаги умумхалқ ҳаракати ва партиявий кураш тажрибаларини акс эттиради.

Сув Ўрта Осиё халқлари учун энг қадимдан асосий ҳаётий масалалардан бири бўлиб келган. Шунинг учун ҳам В. И. Ленин 1908 йилдаёқ, «Туркистонда... кўп миллион десятинадан иборат ерлар... суғоришни ва ҳар хил мелиорация ишларини» кутиб ётибди деб ёзган эди.

Усмон Юсупов Коммунистик партиянинг содиқ фарзанди ва таниқли раҳбарларидан бири сифатида доҳий васияти ва ВКП(б) Марказий Комитети кўрсатмасини бажариш учун Улуғ Ватан урушидан олдинги беш йилликда сув учун бўлган умумхалқ ишига бошчилик қилди. У герман фашизмининг ҳужум қилиш хавфи кучайган бир пайтда бу улкан вазифа жуда қисқа вақт ичида бажарилишининг бирдан бир шарти фақат умумхалқ ҳашари бўлиши керак, деб кўрсатди. Биргина 1939 йилнинг ўзида шу усул билан 46 та йирик ирригация иншооти ва каналлар қурилди. Айниқса, 17 кунда 32 километрли Лоғон ва 45 кунда 270 километрли Катта Фарғона каналининг қурилиши жаҳон ирригация қурилиши тарихида ҳеч кўрилмаган воқеа бўлди.

Шунинг учун ҳам ҳозирги кунда Катта Фарғона канали ҳақли равишда Усмон Юсуповнинг номи билан аталади. Ниҳоят тўпламга киритилган асосий материаллардан яна бири Усмон Юсуповнинг Ўзбекистонда рус тилини ўрганишга бағишланган мақоласи бўлиб, у ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

У. Юсупов танланган асарларининг тўплами бевосита Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети фаолияти ва республика коммунистлари коллектив ижодининг намунаси ҳамдир. Шунинг учун ҳам бу тўплам муҳим тарихий манба бўлиб ҳисобланади.

Тўпламнинг мундарижаси ва тузилиши, хронологик кўлами мақсадга мувофиқ бўлган. У кириш сўзи, У. Юсуповнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги ихчам тарихий очерк билан бошланади.

Китобга илова қилиб автор ҳаёти ва фаолиятига оид муҳим саналар, бу тўпламга кирмай қолган нутқ ва докладлар рўйхати ҳамда исмлар кўрсаткичи берилган. Булар тўпламнинг аҳамиятини янада оширади.

Умуман, У. Юсуповнинг асарлари Коммунистик партия сиёсатини ҳаётга татбиқ этилишида катта намуна, улар социалистик жамиятни такомиллаштириш ва коммунизм қуриш ишига тегишли ҳисса қўшади. Шунинг учун ҳам тўпламнинг кейинги икки китоби тезроқ нашр этилса яхши бўлур эди. Бунинг аҳамияти ҳозир — Ўзбекистон ССР ва республика Коммунистик партиясининг 60 йиллиги арафасида янада ортиб бормоқда.

С. СОЛИЕВ,
тарих фанлари кандидати, доцент.
С. ХОЛБОЕВ,
тарих фанлари кандидати.

ИЛҒОР ТАЖРИБА МИНБАРИ

ЕРНИ ЭЪЗОЗЛАЙЛИК

Ер — бойлигимиз. Деҳқонларнинг муҳим бурчи ердан тўла ва тўғри фойдаланиш, унинг унумдорлигини муттасил ошириб боришдан иборат. Бекор ётган ерларни ўзлаштириш, суғориш, захини қочириш, ўғитлаш йўли билан тупроқ унумдорлигини кўтариш ҳам асосий вазифалардан биридир.

Давлатимиз пахтакор деҳқонларга зарур бўлган техника-механизмларни етказиб бермоқда. Ирригация-мелиорация ишларига катта маблағ ажратилаётир. Янги каналлар қазилиб, сув омборлари қурилмпти. Буларнинг ҳаммаси ердан янада унумлироқ фойдаланиш имкониятини бераётир. Буни бизнинг хўжалигимиз мисолида ҳам кўриш мумкин.

1983 йилда об-ҳаво ғоятда ноқулай келишига қарамай, совхозимиз давлатга пландаги 4730 тонна ўрнига 5800 тонна пахта топширди. Ҳосилдорлик гектар ҳисобига 47,3 центнерни ташкил этди. Бу кўзда тутилганидан 6,3 центнер ортиқ демакдир. Ялпи ҳосилнинг 87 проценти машиналар бункеридан тўкилди. 98 процент пахта биринчи сортга қабул қилинди. Ана шундай муваффақиятларга эришувимизда биринчи галда ердан, қолаверса, сув, ўғитлар, техника қувватидан оқилона фойдаланилгани, ирригация-мелиорация ишлари тубдан яхшилангани ҳал қилувчи роль ўйнади.

Ерга ер қўшиб боришимиз зарур. Нега деганда фойдаланилиб келинаётган ерларнинг бир қисми қурилишларга ажратиляпти. Янги зовур-коллекторлар қазиляпти. Хуллас, турли сабабларга кўра экин майдонлари камаяпти. Шунинг учун янги ерлар ўзлаштирилиб, унинг ўрни тўлдирилиши керак. Биз ўтган йили ички резервлар ҳисобига 140 гектар янги ер ўзлаштириб, қишлоқ хўжалик оборотига киритдик, фикримизча, бошқа хўжаликларда ҳам озми-кўпми шундай имконниятлар бор.

Кейинги йилларда экин экиладиган ерларимиз, шу жумладан пахтазорларнинг мелиоратив ҳолати анча пасайди. Оператив чоралар кўрилмаса, ҳосилдорликнинг пасайиб кетиш хавфи туғилади. Шу боисдан хўжалигимизда кейинги бир йилдагина 8 та чуқур қудуқ қазилди. 20 километрли масофада коллектор чиқарилди. 50 гектарли пахтазордан ёпиқ дренаж ўтказилди. Мавжуд зовур-ариқлар тартибга келтирилди.

Ана шунга ўхшаш қатор тадбирлар амалга оширилиши туфайли Очил Бозоров, Омон Норов, Қобул Турдиқулов ўртоқлар бошчилик қилаётган бригадаларнинг ер майдони тубдан яхшиланди, ҳосилдорлиги ортди. Бу бригадаларнинг аъзолари ҳар гектар ер ҳисобига 50-55 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтариб, план ва социалистик мажбуриятларини шараф билан бажаришди.

Афсуски, барча бригадаларимиз ҳам шундай юксак кўрсаткичларга эришди, деб бўлмайди. Ҳ. Бердиев, Ю. Қаршиев, Ж. Жўраевлар бошлиқ бригадаларда ҳосилдорлик гектар ҳисобига 20-25 центнердан ошмади. Бу рақамлар хўжалигимизнинг ўртача кўрсаткичидан ҳам паст бўлди. Хўш, қолоқликнинг сабаблари нимада? Совхозимиз бўйича тўртта пахтачилик бригадасида ердан фойдаланишда эгасизликка йўл қўйилди. Пахтабеда алмашлаб экишни кенг жорий этишга етарлича эътибор берилмади. Мелиорация ишларини яхшилаб, тупроқ унумдорлигини кўтариш чоралари кўрилмади. Яна бир жиддий нуқсон шу бўлдики, ўша бригадаларнинг бошлиқлари иложи борича ерга ер қўшишни ўйлашмади. Совхоз маъмурияти уларни вазифаларидан четлатишга мажбур бўлди. Ўз бурчини ўтай олмаган бригадирлар ўрнини малакали, ташкилотчи, техникага ихлосманд кадрлар эгаллади.

Умумий пахта майдонимиз 1200 гектар. Бугунги асосий вазифа ҳосилдорликни кескин кўтариш ҳисобига ялпи пахта миқдорини кўпайтиришдан иборатдир. Бунинг учун ҳар қарич экинзордан ишнинг кўзини билиб, фан-техника ютуқлари, кўп йиллик бой тажрибаларга таяниб иш тутмоғимиз лозим.

Одатда мўл ҳосилга қиш фаслида хамиртуруш ташланади. Биз амалда шундай қиляпмиз. Пахта майдонларини икки ярусли плугларда 45-50 сантиметр чуқурликда шудгорлаб қўйганмиз. Ҳар гектарига минерал ўғитлардан ташқари 25-30 тоннадан органик ўғитлар солдик. Лекин шунинг ўзи кифоя қилмайди. Шуни ҳисобга олиб, органик ўғитлар жамғариш, уни хандакларда тобига келтиришни қизғин давом эттирмоқдамиз. Дала ишлари бошлангунча 15 минг тоннага яқин органик ўғит тўпланади. Ҳозир 30 та тележка, 12 та автомашина ва бошқа техника воситалари шу мақсадга хизмат қилдирилаётир. Шўр ювиш, яхоб бериш ва бошқа қишки агротехника тадбирларини ҳам энг қулай муддатларда сифатли қилиб ўтказамиз. Техника воситаларини эса кўклам дала ишларига шайлаб қўйдик.

КПСС Марказий Комитетининг декабрь (1983 йил) Пленуми қарорлари, партия Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Ю. В. Андроповнинг Пленумга йўллаган нутқи текстида қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини комплекс равишда узлуксиз ривожлантириш масаласи кун тартибига бош вазифа қилиб қўйилди.

Совхозимиз коллективи шу асосда конкрет тадбирлар белгилади. Масалан, ўтган йили давлатга 631 тонна сут, 130 тонна гўшт, 510 минг дона тухум топширган эдик. Бу йил ана шу маҳсулотлар миқдорини камида 15-20 процент кўпайтириш чораларини кўраётирмиз. Маҳсулотлар ўз хўжалигимизда тайёрланадиган озуқа ҳисобига кўпайтирилади. Меҳнат унумдорлигини пландан ташқари 1 процент ошириш ва маҳсулот таннархини қўшимча 0,5 процент камайтириш ҳисобига 70 минг сўмга яқин соф даромад оламиз. Пиллачилик, сабзавотчилик, боғдорчилик ва бошқа тармоқларни ҳам шахдам ривожлантирамиз.

Ўтган йилдан бошлаб бригада пудрати усулида ишлашга тўлиқ кўчдик. Шу муносабат билан бўлимлар тугатилди. Совхоз маъмурияти билан бригадалар ўртасида маҳсулотлар, шу жумладан пахта тайёрлашнинг миқдори ва сифати аниқ белгиланган шартномалар тузилди. Меҳнат интизоми мустаҳкамланди. Дала меҳнатчиларининг шахсий манфаатдорлиги кучайди. Иқтисодий самарадорлик юқори бўлди. Маҳсулотлар етиштиришга сарфланган 1 сўм маблағдан 1 сўм 80 тийин манфаат кўрдик. Бир центнер пахта нархи пландаги 56 сўм 44 тийиндан 48 сўмга туширилди. Рентабеллик даражаси 17 процент ўрнига 24,9 процент кўтарилди. Меҳнат унумдорлиги 15 процент ошди. Хўжалигимизнинг ялпи даромади барча тармоқлар бўйича 7 миллион 150 минг сўмни ташкил этди. Ҳар бир ишчининг ойлик иш ҳақи 278 сўм, механизаторларнинг иш ҳақи эса 312 сўмга кўтарилди.

Ўртоқ Ю. В. Андроповнинг нутқи текстида «Эндиликда, энг муҳими, эришилган суръатни, ишдаги умумий ижобий кайфиятни йўқотмаслик, ижобий жараёнларни тобора актив ривожлантириш керак» дейилган. Совхозимиз коллективи ана шу қимматли маслаҳатлар, йўл-йўриқларга тўла амал қиладилар. Ўтган йили йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиб, пахтачилик ва бошқа тармоқларни комплекс равишда узлуксиз ривожлантираверадилар.

Ҳ. САФАРОВ,
Қарши районидаги «Москва» совхозининг директори.

ФАРҒОНА ОБЛАСТИ. Киров районидаги «СССР 60 йиллиги» совхози ташкил этилганига 2 йил бўлди. Шу қисқа давр ичида хўжаликда чорвачилик ойдин йўлга тушиб олди. Ҳозир совхоз фермасида 1200 бош қорамол боқилаётир. Шунинг 350 боши соғин сигирлардир. «Оқ чашма» ижодкорлари ўз боқимларидаги сигирларни қатъий рацион асосида озиқлантириб, кўзда тутилганидан анча кўп сут соғиб олишга эришмоқдалар. Суратда: совхоз директори Ғуломжон Пўлатов бузоқбоқар Умсуной Аҳмедова ва ферма мудири Мансурбой Шодиевлар билан келгуси ишлар хусусида фикрлашмоқда.

Н. Муҳаммаджонов фотоси.

НОМЗОДЛАР БИЛАН УЧРАШУВЛАР

ЮКСАК ИШОНЧ

1984 йил 4 март СССР олий советига САЙЛОВ

Ўз касбига меҳр-муҳаббати, меҳнатсеварлиги, самимийлиги билан ўзи ишлаётган цехдагина эмас, шу билан бирга бутун Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинатида иззат-икром ва ҳурматга сазовор бўлди. Яқинда унга юксак ишонч билдирилди: 120-Чирчиқ сайлов округидан мамлакат давлат ҳокимияти олий органи Миллатлар Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатилди. Сайловчиларнинг И. Б. Пулина билан учрашувида ҳам кўпгина эзгу сўзлар айтилди.

Депутатликка номзоднинг ишончли вакили, Паркент районидаги «Ленинобод» совхозининг директори Т. Ризаев йиғилиш аҳлига унинг меҳнатдаги муваффақиятлари, актив жамоат фаолияти тўғрисида сўзлаб берди.

Коммунистик районидаги «Ленинский путь» колхози партия комитетининг секретари А. Қоржавов, «Ғунча» тикувчилик фабрикасининг ишчиси М. Йўлдошева, Коммунистик районидаги экспериментал ишлаб чиқариш бирлашмаси бўлимининг бошлиғи А. Н. Цой, Коммунистик районидаги «Ўзбекистон» колхозининг аъзоси Ш. Қўлдошева, Паркент район касалхонасининг врачи Н. А. Ким партия билан халқнинг бузилмас бирлиги тўғрисида, КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи сайловчиларига, барча гражданларига қилган Мурожаатига конкрет ишлар билан жавоб қайтаришга тайёр эканликлари ҳақида гапирдилар.

Ирина Борисовна Пулина ўзига кўрсатилган юксак ишонч учун чин қалбдан миннатдорчилик билдириб, бундан буён ҳам халққа, Ленин партияси ишига ҳалол хизмат қилавераман, деб ваъда берди.

Нукус шаҳар бирлашган касалхонасининг педиатр врачи Бибиойша Хўжамбергенова соғлиғи қайтарилган болаларнинг бахтиёр табассумини ўз меҳнати учун олий мукофот деб ҳисоблайди. У кичкинтойлар бақувват, соғлом ўсишлари учун бутун қалб ҳароратини бутун малакаси ва билимини сарфламоқда. 17 йиллик стажга эга бўлган тажрибали врач ўзининг кўпгина ёш ҳамкасблари учун мураббия бўлиб қолди. Б. Хўжамбергенова ўзининг фидокорона меҳнати учун «Ҳурмат Белгиси» ордени билан мукофотланган.

128-Нукус сайлов округининг сайловчилари СССР Олий Советн Миллатлар Совети депутатлигига ўз номзоди Б. Хўжамбергенова билан учрашувда ана шулар тўғрисида гапирдилар.

Совет жамиятининг миллий сиёсат соҳасидаги ютуқлари Б. Хўжамбергенова тақдири мисолида ёрқин кўриниб турибди. У кўп болали қорақалпоқ оиласида вояга етди. Унинг етти синглиси ва укаси ҳозирдаёқ олий маълумотли ёки турли олий ўқув юртларини тугалламоқдалар. Сингилларидан бири Феруза автоном республикада аёллардан биринчи фармацевтика фанлари кандидати бўлди. Бибиойшанинг отаси — ўрта мактаб ўқитувчиси Хўжамберген Иембергеновга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони юксак унвони берилган.

Номзоднинг ишончли вакили Нукус шаҳар бирлашган касалхонасининг бош врачи М. Хўжабеков сайловчиларни сайлов куни коммунистлар билан партиясизлар бузилмас блокининг муносиб вакили Бибиойша Хўжамбергенова учун якдиллик билан овоз беришга чақирди.

Нукусдаги 16-авторемонт заводининг инженери Р. Жумамуротов, Нукус шаҳридаги Тўқай номли мактаб ўқитувчиси Ш. Отамуротова, Нукус медицина билим юртининг студенти Д. Ўтегенова ва бошқа нотиқлар депутатликка номзод тўғрисида кўпгина эзгу сўзлар айтишди. Сайловчилар ўз номзодига наказлар беришди.

(ЎзТАГ).

Тинчлик — олий мақсадимиз

ЭЗГУ ИСТАГИМИЗ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Юрий Владимирович Андроповнинг «Правда» газетаси саволларига жавобларини совхозимиз ишчилари билан синчиклаб ўқиб чиқдик. Дарҳақиқат, АҚШ ва унинг НАТОдаги раҳбар доиралари разил йўлга қадам қўйиб ўз кирдикорларини хас-пўшлашга уринмоқдалар.

Совет давлатининг раҳбари «Правда» газетаси саволларига берган жавобларида халқимизнинг хоҳиш-иродасини ифода этган.

Қўриқ хўжалигимиз чўлқуварлари тинчлик ва баббаравар хавфсизлик принципи асосида ядро қуролини чеклаш ҳамда қисқартириш тўғрисида амалий таклифларни ўртага ташлаётган партия ва ҳукуматимиз сиёсатини қизғин қўллаб-қувватламоқдалар. Улар ишлаб чиқаришда янгидан янги зафарларга эришган ҳолда бу ғамхўрликка жавоб беришга интилмоқдалар. Бу йил биз она-Ватанга камида 10 минг тонна «оқ олтин» етказиб бериш учун ҳозирданоқ тайёргарлик ишларини авж олдириб юбордик. Меҳнатда қўлга киритаётган ҳар бир ютуғимиз мамлакатимиз мудофаа қудратини янада мустаҳкамлашга хизмат қилишини истаймиз. Осмонимиз мусаффо бўлсин, халқимиз тинч-осойишта яшасин деймиз. Шу йўлда куч-ғайратимизни аямай меҳнат қилаверамиз.

Т. АМИНОВ,
Ульянов районидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли «Партия XX съезди» совхози директори.

ГАЗЕТХОН МУЛОҲАЗАСИ

ОНАЛАР ОРЗУСИ

Дунёнинг қора кучлари бошлаган уруш менинг ҳаётимни ҳам қон-қақшатган эди. Она-Ватан ҳимоясига кетган турмуш ўртоғим — болаларимнинг меҳрибон отаси урушдан қайтмади.

Шунинг учун жаҳоннинг ҳамма оналари сингари мен ҳам урушга минг-минг лаънатлар айтаман, уруш оловини ёқувчиларни кескин қоралайман. Етим болаларимнинг бошини силаган, уларни вояга етказган жонажон партиямизга, қадрдон ҳукуматимизга минг-минг раҳматлар айтаман, доно раҳбаримиз Ю. В. Андроповнинг тинчлик ғоялари билан суғорилган Баёнотларини, «Правда» газетаси саволларига жавобларини чин қалбимдан маъқуллайман!

Умри ЮСУБАЛИЕВА,
Тошкент шаҳри.

Чет элларда

ВОҚЕАЛАР • ХАБАРЛАР • ФАКТЛАР • ШАРҲЛАР

СОВЕТ ХАЛҚИНИНГ ХОҲИШ-ИРОДАСИНИ ИФОДАЛАБ

Ўртоқ Ю. В. Андроповнинг «Правда» газетаси саволларига қайтарган жавоблари хусусидаги фикр-мулоҳазалар Ер юзининг ҳамма томонларидан келиб турибди. Турли мамлакатларнинг таниқли давлат ва сиёсат арбоблари, чет эл оммавий ахборот воситалари совет халқи уруш хавфини даф этишга, ҳозирги ва келажак авлодлар учун тинчликни сақлаб қолишга азму қарор берганлиги ни таъкидламоқдалар. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг СССРдаги барча сайловчиларга, гражданларга Мурожаатини жаҳон жамоатчилиги КПСС билан Совет давлатининг тинчликсевар йўли изчиллиги ва собитқадамлигининг яққол исботи деб қабул этди.

Совет Иттифоқи барча мамлакатлар билан тинчликда яшашни хоҳлайди, у турли социал-сиёсий тузумдаги давлатлар билан тинч-тотув яшаш принципини муттасил турмушга татбиқ этиб келмоқда, деб ёзади Венгриядаги **«Непсабадшаг»** газетаси. Кейинги вақтларда Москвада эълон қилинган иккита программ ҳужжат — Ю. В. Андроповнинг «Правда» газетаси саволларига жавобларида ва КПСС Марказий Комитетининг сайловолди Мурожаатномасида ҳозирги халқаро аҳволнинг чигаллашиши сабаблари атрофлича чуқур очиб ташланди. КПСС билан Совет давлатининг собитқадам ташқи сиёсий йўли тасдиқланди, совет кишиларининг тинчликка бўлган ягона хоҳиш-иродаси, уларнинг Вашингтон социализмга қарши эълон қилган «салб юриши»га қаттиқ зарба бериш аҳди ифодаланди.

Ю. В. Андроповнинг «Правда» газетаси саволларига қайтарган жавоблари Совет давлати ленинча ташқи сиёсатининг энг асосий принциплари мустаҳкамлигини тасдиқловчи ёрқин ҳужжатдир, деди БХР Давлат Кенгаши Раисининг биринчи ўринбосари, Болгария деҳқонлар халқ иттифоқининг секретари **П. Танчев.** Совет раҳбари тинчликни мустаҳкамлашга, қуролланиш пойгасини жиловлашга, ҳамжиҳатликка, ишонч ва ҳамкорликка тенглик ва баб-баравар хавфсизлик принциплари асосида эришишнинг тўғри йўлини кўрсатмоқда. СССР тенгликни сақлаш учун ҳаётий зарур тадбирларнигина, АҚШ ва НАТОнинг агрессив режаларига қаршилик қилиш зарурати тақозо этган чораларнигина кўраётганини таъкидлаш лозим. Айни вақтда Совет Иттифоқи ўзининг холис ниятини қайта-қайта намойиш этмоқда. Болгар халқи Ю. В. Андропов таклиф этган катта миқёсдаги ташқи сиёсий тадбирлар комплексини астойдил қўллаб-қувватлайди ва тўла-тўкис маъқуллайди. Биз Варшава Шартномаси давлатлари билан империалистларнинг «зўравонлик позицияси»да, дўқ-пўписа ва тазйиқ позициясида турриб гаплашиш йўлидаги уринишларини рад қиламиз. Биз планетамизни хавфсизроқ қила оладиган ўзаро мақбул конкрет битимларга эришишга қаратилган ҳалол ва тенг ҳуқуқли мулоқотга интилаётган СССРнинг принципиал сиёсатини тўла-тўкис қўллаб-қувватлаймиз.

Америка жамоатчилиги Ғарбий Европада «Першинг-2» ва қанотли ракеталар жойлаштирилишини чуқур ва тобора кучли ташвиш билан кузатиб турибди, деди БМТ ҳузуридаги қуролсизланиш масалалари билан шуғулланувчи ноҳукумат ташкилотлар махсус комитетининг раиси **Ж. Олсон.** Рейган маъмуриятининг бу қадами ҳаддан ташқари хатарли бўлиб, у қуролланиш пойгасини кучайтиришгагина олиб бормай, шу билан бирга ядро фалокати хавфини ҳам келтириб чиқаради. Ю. В. Андроповнинг жавобларида мутлақо ҳақли равишда уқтириб ўтилганидек, вақт ғаниматида АҚШ билан НАТО Европада «Першинг-2» ва қанотли ракеталар жойлаштирилгунча мавжуд бўлган аҳволга қайтишлари керак.

(ТАСС).

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

● ВИЛОЯТНИНГ ҚИЁФАСИ ЎЗГАРМОҚДА

ГАВАНА. Куба шарқида жойлашган ва бир вақтлар мамлакатнинг хилват жойларидан бўлган Ла—Тунас вилоятининг қиёфаси тубдан ўзгармоқда. Вилоят Кубанинг асосий экспорт маҳсулоти — қанд-шакар етиштирувчи йирик марказга айланмоқда. Махибакоа муниципиясида янги қанд заводи қурилишида ишлар жадал суръатлар билан давом этмоқда. 60 процентдан кўпини миллий корхоналар тайёрлайдиган асосий узел ва агрегатлар монтаж қилинмоқда.

Янги завод цехларининг умумий майдони 125 минг квадрат метрни ташкил этади. Заводда 40 километрдан зиёд темир йўл бўлади. Корхонани хом ашё билан таъминлаш учун яқин атрофдаги районларда салкам 1,6 минг кабальерия шакар қамиш плантациялари барпо этилмоқда. Завод қурилиши билан бир қаторда унинг бўлажак ишчилари учун ҳам барча қулайликлари бўлган уй-жойлар барпо этилмоқда. Махибакоадаги қурилиш Куба ёш коммунистлари иттифоқининг зарбдор объекти деб эълон қилинган.

● МУҲИМ ҚАДАМ

УЛАН-БАТОР. Халқ Монголиясида геология ва кон-руда саноати жадал суръатлар билан ривожланмоқда. Еттинчи беш йилликнинг дастлабки уч йилида тармоқни ривожлантириш якунлари шундан далолат беради. Шу давр ичида пландан ташқари 120 миллион тугрикликдан кўп маҳсулот ишлаб чиқарилди, меҳнат унумдорлиги 1980 йилга нисбатан 48,6 процент ошди. Мис, молибден, қўрғошин ва бошқа фойдали қазилмаларни қазиб чиқариш топшириқлари анча ошириб бажарилди.

380 га яқин корхона, хўжалик, цех, бригада план ва социалистик мажбуриятларни ошириб адо этди. Булар орасида «Монголсовцветмет» Монгол—Совет бирлашмаси, «Эрдэнэт» кон бойитиш комбинати, бошқа ишлаб чиқариш бўлинмалари бор.

Ўтган йили кон-руда саноатининг моддий-техника базаси анча мустаҳкамланди. Совет қурувчиларининг ёрдами билан иккита йирик қидириш-ишлатиш корхонаси ишга туширилди. Бу йил тармоқ меҳнаткашлари олдида янги масъулиятли вазифалар турибди. Жумладан, геология соҳасида ҳар бир ишчининг меҳнат унумдорлигини ўртача 2,7 процент ошириш, қидирув ишлари қийматини 14,6 процент камайтириш мўлжалланмоқда. (ТАСС).

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

● ВАРШАВА. ПАП агентлигининг хабар беришича, ПХР ташқи ишлар министри С. Ольшовский бу ерда Фаластин Озодлик ташкилоти ижроия комитетининг аъзоси Ф. Каддумини қабул қилган. Томонлар АҚШ билан Исроилнинг Яқин Шарқдаги агрессив сиёсатини қоралаб, шу районда мустаҳкам ва одилона тинчликни ўрнатиш учун курашда араб мамлакатларининг бирлиги муҳим аҳамият касб этади, деб таъкидладилар.

● СТОКГОЛЬМ. Ядро қуролини ишлатиш инсониятга қарши энг оғир жиноят деб қаралиши лозим. БМТга кўмаклашувчи Швеция уюшмасининг Стокгольмда бўлиб ўтган конференцияси қатнашчилари шундай хулосага келдилар. Конференция иштирокчилари қабул қилган Баёнотда халқаро вазиятдаги кескинликни юмшатишга қаратилган куч-ғайратни кучайтириш зарурлиги таъкидланади, Европа шимолида ядро қуролидан холи зона вужудга келтиришнинг муҳимлиги кўрсатиб ўтилади.

● БАЙРУТ. Ливан бош министри Шафик Ваззан истеъфо бериш ҳақидаги аризани мамлакат президенти Амин Жмайелга топширди. Президент бу аризани қабул қилди, хабар беради Байрут радиоси. Маҳаллий сиёсий доираларда Ваззан ҳукуматининг истеъфосини мамлакатда кескинликнинг ғоят ўсганлиги билан боғламоқдалар. Америка-Исроил агрессиясининг давом этаётганлиги бу кескинликнинг асосий сабабидир.

● ВАШИНГТОН. Рейган маъмурияти Гондурасни Марказий Америкадаги қўшни давлатларга, аввало Никарагуага қарши агрессия қилиш учун плацдармга айлантирмоқда. Американинг таниқли сиёсий арбоби, сенатор Ж. Сессер Оқ уй ва Пентагонга ана шундай айбни тўнкади. Пентагон Гондурасда кенг кўламда ҳарбий иншоотлар қуришга киришганлигини айтди у. Сенаторнинг сўзларига қараганда, АҚШнинг ҳарбий маҳкамаси шу мамлакатнинг Никарагуа чегарасига бевосита яқин территориясида махфий равишда камида олтита аэродром қурган. У аслида Гондурасда «АҚШнинг доимий ҳарбий инфраструктурасини» барпо этиш устида гап бораётганини таъкидлади.

(ТАСС).

ИСТИҚБОЛСИЗ ЙЎЛ

НЬЮ-ЙОРК. (ТАСС). Жамоатчиликнинг норозиликларига ва кенгрессда АҚШнинг Яқин Шарқдаги хатарли урушқоқлик йўлига қаршилик кучайиб боришига қарамай, Рейган маъмурияти Америка қўшинларини Ливандан олиб чиқиб кетмоқчи эмас. АҚШ вице-президенти Ж. Буш Эн-Би-Си телекомпанияси программаси орқали гапириб шуни очиқдан очиқ айтди.

Маъмурият Ливандаги ўз мақсадларини амалга оширишга эришган тақдирдагина шу мамлакатдан АҚШ денгиз пиёда қўшинларини олиб чиқиб кетиши мумкин бўлади, деб даъво қилди у. Айни вақтда у Вашингтоннинг Ливан теварагидаги сиёсий ва дипломатик найранглари шу пайтгача ҳеч қандай натижага олиб келмаганини тан олишга мажбур бўлди.

МИЛИТАРИСТЛАРНИНГ УЮШМАСИ

ТОКИО. (ТАСС). Сикоку ороли яқинида Японияда АҚШ ҳарбий ҳаво кучларининг жуда катта қўшма машқлари бошланди. Тўрт кун давом этадиган бу машқларда мамлакат жанубидаги тўртта базада жойлашган Япония ҳарбий ҳаво кучларининг 170 та қирувчи самолёти ҳамда Кадэн ва Ивакуни базаларидаги АҚШ ҳарбий ҳаво кучларининг 112 та қирувчи ва штурмчи самолёти, шунингдек осмондан туриб бошқарувчи ва йўлга солиб турувчи «Е—3—А» самолёти ишга солинади.

Япония билан АҚШ ҳарбий ҳаво кучларининг қўшма машқлари 1978 йил ноябридан бери ўтказила бошланди. Бу галги, 56-машқ уларнинг энг каттаси ҳисобланади.

1 февралдан бошлаб АҚШ ва Жанубий Корея қуролли кучлари «Тим спирит-84» қўшма машқларини ўтказаётганлиги, денгиз десанти юбориш ва тушириш бу машқларнинг ўзаги эканлиги характерлидир. «Акахата» газетасининг уқтириб ёзишича, Америка-Жанубий Корея ва Америка-Япония машқларининг айни бир вақтда ўтказилиши Вашингтон, Токио ва Сеул ўртасидаги милитаристик иттифоқ мустаҳкамланиб бораётганидан далолат беради.

ЖИДДИЙ ТАШВИШ

● ДЕҲЛИ. Ҳиндистон парламентининг аъзоси, Ҳиндистон Миллий Конгресс партияси Умумҳиндистон комитетининг бош секретари Ражив Ганди Покистоннинг Ҳиндистон чегарасида милитаристик тайёргарликларидан жиддий ташвишланганлигини изҳор этди. У Уттар-Прадеш штатидаги Лакхнау шаҳрида журналистлар ҳузурида нутқ сўзлаб, кейинги вақтларда Покистон Ҳиндистон территорияси яқинида ҳарбий-ҳаво кучларининг ва қўшин бошқа турларининг мисли кўрилмаган кенг кўламда машқларини ўтказганлигини таъкидлади.

(ТАСС).

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

ЎҚИНГ, ҚИЗИҚ

ЙИЛНОМА БЎЙИЧА НОНУШТА

Америкалик ношрлардан бири 1984 йил учун ажойиб йилнома нашр эттирди. Унинг варақлари яшил ва кўк рангга бўялган бўлиб, ёш куёв ва келинлар учун мўлжалланган. Йилноманинг кўк рангли варақали кунларида эрталабки нонушта тайёрлаш куёвга насиб этади. Яшил рангли варақали кунларда эса, овқат тайёрлаш келин зиммасига тушади.

Америка матбуотининг хабар беришича, йилнома хотин-қизлар ўртасида, айниқса, кенг шуҳрат қозонди.

САЁҲАТ

КЕКСАЛИГИГА ҚАРАМАЙ

Машҳур америкалик сайёҳ Льюис Котлоу яқинда 86 ёшга тўлди. У кексалигига қарамай яна саёҳатга чиқмоқчи.

Котлоу биринчи жаҳон уруши тугаганидан сўнг Марказий Африка қабилалари ва Янги Гвинея элатларининг ҳаётини ўрганиш бўйича тадқиқотлар олиб борди. 1977 йилда унга Нью-Йорк клубининг олтин медали берилди. Машҳур тадқиқотчи Р. Амундсен ва Ой юзасига биринчи қадами етган инсон Н. Армстронг бундай мукофотга сазовор бўлишган.

Котлоу Марказий Борнео ўрмонзорларига бориб, бу ердаги аҳоли ҳаёти ва турмушини ўрганиш ниятидадир.

АРХЕОЛОГИЯ

ҒОРЛАР СИРИ

Кубалик археологлар уч ғорни топишди. Пренса Латина агентлигининг хабарига кўра, бу ғорларни ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Ғорлардан бирига кираверишда қояга ўйиб ишланган тўсиқ топилди, бу ер ости кўлига тушиш йўлини муҳофаза қилиб турган. Бошқа ғорлардан эса, учта сопол идиш, одам суяклари, шунингдек, уй-рўзғор анжомларининг қолдиқлари топилди.

БИЛАСИЗМИ

ҲАЗИЛКАШ КЕНГУРУ

Туристлардан бир гуруҳи автомобилда Австралия бўйлаб саёҳат қилишмоқда эди. Тасодифни қарангки, улар ўрмон йўлкаларидан бирида кенгуруни кўриб қолишди. Ҳайвон беҳуш эди. Саёҳатчилар уни йўл чеккасига олиб чиқиб, расмга тушириш учун дарахтга суяб қўйишга жазм қилишди. Саёҳатчилардан бири кенгуруга ўзининг чарм камзули ва бош кийимини кийгизиб қўйди.

Кийинтирилган кенгуруни суратга тушириш учун тараддуд кўрилаётганида у тўсатдан ҳушига келди ва ўрмонга қараб қочди. Ҳайвонлар тўдаси сўнгги мода бўйича кийинган кенгуруни қандай қабул қилишганини ҳеч кимга маълум эмас. Аммо, у билан ҳазиллашган саёҳатчининг аҳволи мушкуллашди. Чарм камзулнинг чўнтагида унинг паспорти билан 1500 доллар пули бор эди.

УЛУҒ РУС ОЛИМИ Д. И. МЕНДЕЛЕЕВ ТУҒИЛГАН КУННИНГ 150 ЙИЛЛИГИГА

КИМЁ ИЛМИНИНГ ДАРҒАСИ



Дмитрий Иванович Менделеев фанда буюк кашфиётлар очиб, инсоният ривожи, маданияти, келажаги учун хизмат қилган генийал олимлардан биридир. Химия фанида ҳукм сурган чалкашликларга барҳам бериб, уни тўғри йўлга солган олим илғор ғоялари, назариялари ва чуқур фикрлари билан ўз замонаси илм аҳлидан анчагина илгарилаб кетди.

Улкан аллома Д. И. Менделеев юбилейини бутун прогрессив инсоният байрам сифатида нишонламоқда. Унинг номи билан юритилувчи Бутуниттифоқ кимёгарлар жамиятининг халқаро юбилей съездида уч мингга яқин совет ва чет эллик олимлар илмий докладлар билан қатнашадилар. Бутуниттифоқ химия ҳафталиги программасига мувофиқ мактабларда, олий ўқув юртлари, илмий-текшириш институтлари ва корхоналарда олим ҳаёти ва илмий фаолиятига бағишланган тантанали кечалар, йиғилиш ва конференциялар ўтказилади.

Д. И. Менделеевнинг ёшлик даври Сибирда, Тобольск шаҳри ва унинг атрофларида ўтди. Петербург педагогика институтини 1855 йили олтин медаль билан тугатди. Орадан бир йил ўтгач, «Солиштирма ҳажмлар» мавзуида диссертация ёқлади. Петербург университетида приват-доцент, «Халқ маорифи министрлиги журнали»да илмий шарҳловчи бўлиб ишлади. Унинг 1861 йилги «Органик химия» дарслиги Демидов номидаги катта пул мукофотига сазовор бўлди.

Ўтган асрнинг етмишинчи йиллари Менделеев фаолиятининг энг ривожга минган пайтлари бўлди. Унинг ташаббуси билан Россияда химиклар жамияти ташкил топди. Олим фан ва техниканинг турли жабҳаларида илмий ишлар олиб борди, саноатнинг ривожига ҳисса қўшди. Д. И. Менделеевнинг Ф. Энгельс ҳам таъкидлаб ўтган илмий жасорати шундаки, у ҳар бир элемент ўзига хос бўлишига қарамай, умум қонуниятларига бўйсуниши ва улар бир-бири билан узвий боғлиқ эканликларини кўра олди. 1869 йили «Элементларнинг атом оғирлиги ва химиявий яқинлигига асосланган система устида тажрибалар» номли илмий докладини эълон қилди. Бу билан элементларнинг Даврий қонуни очилган эди. Шундан эътиборан химиявий элементлар ва уларнинг бирикмалари орасидаги боғланишлар ҳақидаги таълимотларда тартиб ўрнатилди, химия аниқ фанлар қаторидан жой олди.

Қонун муаллифи даврий системада элементларнинг жойлашувига алоҳида эътибор қилди, улар қаторининг тоқ-жуфтлиги, даврлар узунлигининг ўзгариш тартибини аниқлади. Дмитрий Иванович элементлар атом оғирликлари орта бориши билан уларнинг валентликлари ва эквивалентликлари ўзгаришидаги даврийликни кўра билди. Валентлик баъзан кўпайиб, баъзан камайишини сезган олим элементларнинг даврларга бўлиниши тақозо қилинишини тушуниб етди. Шу зайл у хато ва камчиликлардан мустасно бўлган элементларнинг даврий системасини яратди.

Д. И. Менделеевнинг узоқни кўра олганлиги, табиий фанлар қонуниятларини фалсафий жиҳатдан чуқур тушунганлиги ва донолик билан анализ қила олиши даврий қонунни очиш билангина чекланиб қолмай, балки вақт ўтиши билан аниқланиши ҳамда топилиши керак бўлган элементларнинг хоссаларини ҳам олдиндан айтиб беришига сабаб бўлди. Олим ана шу элементларни қандай йўллар билан қидириб топиш мумкинлигини ҳам башорат қилганди. Буюк кимёгар ўз даврий жадвалида келажакда очилиши керак бўлган номаълум элементлар учун бўш катаклар қолдириб жуда тўғри иш қилган.

Қаранг, олим бўш қолдирган ва хоссаларини олдиндан ёзиб қолдирган баъзи элементлар унинг тириклик давридаёқ топилди. Бўш катаклардан бири алюминий билан индий орасида жойлашуви керак бўлган ва Менделеев томонидан экаалюминий деб номланган элемент франциялик олим Лекок де Буабодран томонидан топилди. Янги элементнинг солиштирма оғирлиги Менделеев шу номаълум элемент учун олдиндан айтиб берган сондан бироз фарқ қилди. Шунда Менделеев Буабодранга хат ёзиб, у текшираётган элемент баъзи аралашмалар билан ифлосланган бўлса керак деган фикрни айтади ва тажрибаларини бошқатдан ўтказиб кўришни маслаҳат беради. Оқибатда Менделеев ҳақ бўлиб чиқади. Топилган янги элемент Франциянинг эски номи шарафига галлий номи билан Менделеев жадвалидан ўрин олади. Қизиғи шундаки, жадвал эълон қилингандан кейин ўтган ўн беш йил ичида у айтиб берган номаълум элементлардан учтасининг аниқланиши фан учун катта ютуқ бўлди. Бу олим очган даврий қонуннинг тантанавор ғалабаси бўлиб, кашфиётнинг умри боқийлигидан дарак берди.

Бундан ўн беш йил бурун Ленинградда Даврий қонун очилган куннинг 100 йиллиги муносабати билан Д. И. Менделеев номли Бутуниттифоқ кимёгарлар жамиятининг ўнинчи юбилей съезди бўлиб ўтди. Ана шу халқаро анжуманда Даврий қонуннинг буюк аҳамияти ҳақида совет ва чет эллик олимларнинг жуда кўплаб илмий докладлари тингланди. Америкалик машҳур олим, Нобель мукофотининг лауреати Глен Сиборг минбардан туриб, Менделеевнинг Даврий қонуни бутун дунё олимлари томонидан ўша даврдаёқ тан олинганлигини, кимёгарлар учун йўлчи юлдуз бўлиб қолганлигини ҳамда химиянинг ривожланишида беқиёс катта аҳамиятга эга бўлганлигини кўрсатиб ўтди. Г. Сиборг фан ва техника ривожланган сари Менделеев жадвали янги элементлар — маълумларнинг оғир аналоглари билан тўлатилиб боради деб умид билдирди. Ўзи топган янги, бир юз биринчи элементни буюк рус кимёгари шарафига менделеевий деб атаганлиги ҳақидаги сўзларини залдаги икки ярим минг машҳур олимлар қатори биз, СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Собир Юнусов бошчилигидаги бир группа ўзбекистонлик кимёгарлар ҳам гулдурос қарсаклар билан кутиб олгандик. Бу улкан алломага бўлган буюк ҳурмат ва эҳтиром рамзи эди, албатта.

Олим ўз Ватани олдида уч муҳим вазифани адо этмоғи лозимлигини Д. И. Менделеев кўп марта уқдирган. Бу вазифаларнинг бири илмий иш, иккинчиси — педагоглик қилиб, ёш авлодни тарбиялаб вояга етказиш, учинчиси эса саноатни ривожлантиришга ҳисса қўшишдир. Бу борада унинг ўзи ҳамма олимларга ўрнак бўларли иш қилди, дейиш мумкин. Ўлимидан бироз олдинроқ йиққан тўпламлари 56 жилдга жамулжам бўлди. Дарслик ва ўқув қўлланмалари минг-минглаб талабаларга хизмат қилди. «Химия асослари» китоби турли тилларда кўп марталаб босилди. Унинг ҳаммаси бўлиб, бир ярим мингдан ортиқ монография, илмий мақола, реферат ва илмий ишлари босилиб чиқди. Буларнинг кўпи совет даврида нашр этилганлиги буюк олимга халқимиз кўрсатган таъзим ва ҳурмат белгисидир.

Ҳаётининг кўп қисмини педагогик иш машғул қилганлигидан Д. И. Менделеев фахрланарди. Петербург университети, иккинчи кадет корпуси, инженерлик академияси, технология институти ва темирйўл институтида у бетиним педагогик иш билан шуғулланлигини ҳамма билади.

Дмитрий Иванович рус саноатини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси нисбатан озроқ бўлганлигидан нолиб ёзганди. Аслида эса у бу йўналишда ҳам баракали иш олиб борди. У Россияда кон ишларини ривожлантириш билан шуғулланди. Нефтдан унумлироқ фойдаланиш, кўмирни ер остида газлаштириш таклифини кўтариб чиқди. Саноат ва қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўли фан, экономика ва техниканинг мужассамлашган ҳолда иш олиб боришида деб билди. Унинг индустрлаштириш ва химиялаштиришни қишлоқ хўжалигидан бошлаш кераклигини уқдирганига мана юз йилдан ошди. Менделеев атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасида ҳам кўп иш қилди.

Олим бошқа фанлар ривожига ҳам муносиб ҳисса қўшди. Метрология, аэро- ва гидродинамика соҳасида катта иш олиб борди. Ўзи ясаган кемасида Шимолий Муз океани бўйлаб сузишни, у ерларни ўзлаштиришни планлаштирди. Катта кемаларни синовдан ўтказувчи ҳавза ҳам Россияда биринчи бор Менделеев таклифи билан қурилди. Менделеевнинг инженерлик-техника соҳасидаги ғоялари унинг стратостат, бошқарилувчи аэростат, сув ости ва музёрар кемаларини лойиҳалашда намоён бўлди. Ҳозир Ленинграддаги унинг номи билан юритилувчи метрология институтида ва Менделеев музейида олим таклифи билан ясалган кўпгина нарсаларни кўриш мумкин.

Менделеев аналитик химия, физик химия, умумий ва анорганик химия, геохимия ҳамда бошқа қатор фанларнинг ривожига шахсан ҳисса қўшди. Унинг ишлари физика, биология, металлургия, кон ишлари ва бошқа соҳалар тараққиётида катта роль ўйнади. Энди мўъжизакор химия фани бизларни ҳамиша янгиланиб турувчи ажойиб ва ғаройиб ҳодисалар оламига бошловчи, нефть маҳсулотларидан озуқа тайёрлаётган, метан газидан оқсиллар олаётган, космик оламда ерда бўлмаган элемент ва моддалар яратаётган, ҳали булардан ҳам қизиқроқ воқеаларга, баракали «очил дастурхон»га етказадиган фанга айланишида Дмитрий Иванович Менделеевнинг хизмати бениҳоядир.

Қ. АҲМЕРОВ,
химия фанлари доктори, профессор.

БОЛАЛАРИНГИЗГА ЎҚИБ БЕРИНГ

ШАКАР ЁҒДИ

Куни билан,
Туни билан,
Ҳеч тинмасдан
Қор ёғди.

Барвақт туриб,
Қорни кўриб
Шерзод дер:
—Шакар ёғди.

Бобом кулиб,
Хурсанд бўлиб,
Дейди: — Болам,
Зар ёғди.

Худди новвот,
Ерга қувват,
Барака,
Самар ёғди.

КРАН

Уйимизнинг олдига
Қуришди кран.
Нақ осмонга етгудай
Баландки бирам.

Фил каби хартуми бор,
Лекин темирдан.
Ҳеч қийналмай кўтарар
Тошларни ердан.

Уйимиз қаршисига
Янги уй тушар.
Менинг қувончларимга
Минг қувонч қўшар.

— Битиб қолар, ҳадемай, —
Дейдилар дадам.
Демак кўчиб келади
Яна кўп одам.

Шунда бола кўпайиб
Э, ҳовлимизда,
Футбол командаси ҳам
Тузилар бизда.

Қувнаб деймаи ўзимга:
— Қандинг ур, Рустам.
Янги уй битса яна
Кўпаяр дўст ҳам.

Файзи ШОҲИСМОИЛ.

ЯНГИЛИКЛАР

БУХОРО

ШИФОБАХШ ЧАШМА

▲ Бухоро районидаги «Ленин йўли» колхозининг Юрингбола қишлоғи чеккасида оқиб ётган чашма минерал сув эканлиги аниқланди. 1200 метр чуқурликдан отилиб чиқаётган ва ҳарорати 53 даража бўлган бу минерал сув суяк ва бўғинларнинг қақшаб оғришини, ичаклар ва ўт пуфаги, бел оғриғи касалликларини даволаши мумкин экан. Шу асосда бу ерда физиотерапия касалхонаси барпо этилди. 100 ўринли беморлар чўмиладиган ваннахона, замонавий медицина асбоб-ускуналари билан жиҳозланган кабинетлар, бўлим ва лабораториялар ташкил этилди.

Яқинда шифобахш чашмага иккинчи умр бахш этилди, кучли босимга бардош берадиган қувурлар, махсус насос ва компрессорлар ёрдамида чашмадан минерал сув тортиб олиш кўпайтирилди. Қўшимча пармалаш ишлари олиб борилиб, шифобахш сувнинг янги запаслари аниқланди. Шу муносабат билан касалхонада яна тўртта бўлим очилди. Шунингдек бу ерда кўп дардларга даво бўладиган балчиқ билан даволашга ихтисослаштирилган махсус бўлим ҳам иш бошлади.

СУТ ЗАВОДИ

▲ Қоракўл райони марказида янги сут заводи ишга туширилди. Корхона бир сменада 10 тоннадан зиёд сут маҳсулотлари тайёрлаш қувватига эга. Корхона бир пайтнинг ўзида қадоқланган сут, творог, пишлоқ, қаймоқ, қатиқ ишлаб чиқариб, савдо тармоқларига жўната олади.

Завод асосан Қоракўл ва Олот районларининг сут-товар фермаларидан келтириладиган сутни қайта ишлаб беради. Илгари бу районларнинг чорвадорлари қарийб 100 километр йўл босиб Бухоро сут заводига сут топширишарди. Завод эса ундан тайёрланган маҳсулотларни яна Қоракўл ва Олот районларига жўнатарди. Эндиликда ортиқча харажатларнинг олди олинди.

Ҳ. ҚОДИРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Редактор ўринбосари
А. НАБИХЎЖАЕВ.

РЕКЛАМА ЭЪЛОНЛАР

ТУРИСТ

ТОШКЕНТ САЁҲАТ ВА ЭКСКУРСИЯЛАР БЮРОСИ

ҚОРА ДЕНГИЗ СОҲИЛЛАРИ ВА КАВКАЗНИНГ МИНЕРАЛЬНИЕ ВОДИ РАЙОНЛАРИ БЎЙЛАБ

САЁҲАТ ҚИЛИШГА ЧОРЛАЙДИ

АДЛЕР — 12 апрелдан 2 майгача. **Баҳоси — 225 сўм.**

СОЧИ (хусусий сектор) — 13 мартдан 2 апрелгача; 17 мартдан 6 апрелгача. **Баҳоси — 225 сўм;** 3 апрелдан 23 апрелгача; 7 апрелдан 27 апрелгача. **Баҳоси — 235 сўм;** 24 апрелдан 14 майгача; 28 апрелдан 18 майгача. **Баҳоси — 260 сўм.**

ГАГРА — 13 февралдан 3 мартгача, 4 мартдан 23 мартгача. 24 мартдан 12 апрелгача; 13 апрелдан 2 майгача. **Баҳоси — 225 сўм.**

ЖЕЛЕЗНОВОДСК — 26 февралдан 15 мартгача. **Баҳоси — 195 сўм.**

ЕССЕНТУКИ — 15 февралдан 5 мартгача. **Баҳоси — 220 сўм;** 28 мартдан 16 апрелгача. **Баҳоси — 234 сўм.**

КИСЛОВОДСК — 19 февралдан 9 мартгача; 10 мартдан 29 мартгача. **Баҳоси — 225 сўм;** 31 мартдан 19 апрелгача. **Баҳоси — 245 сўм;** 21 апрелдан 10 майгача; 12 майдан 31 майгача. **Баҳоси — 260 сўм.**

Самолётда ана шу шаҳарларга бориш ва қайтиб келиш, овқатланиш, яшаш, экскурсия хизмати ҳақи путёвканинг баҳосига киради.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Парадлар хиёбони, 5-уй. Телефон: 39-13-59.

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ХОРАЗМ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

кафедралар бўйича
ВАКАНТ ВАЗИФАЛАРГА

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

мудирлар: математика ва умумтехника фанлари, факультетлараро рус тили кафедраси, ўзбек адабиёти, рус тилшунослиги, рус тили ва адабиётини ўқитиш методикаси, жисмоний тарбия, биология-география;

катта ўқитувчи: илмий коммунизм ва сиёсий иқтисод;

ўқитувчилар: марксча-ленинча фалсафа, рус тили ва адабиётини ўқитиш методикаси, факультетлараро рус тили, математика ва умумтехника фанлари (математика бўйича, умумтехника фанлари бўйича).

Конкурс муддати — 22 февралгача.

Аризалар қуйидаги адресга юборилсин: 740000, Урганч шаҳри, Ҳ. Олимжон кўчаси, 14-уй. Институт илмий секретарига.

●

СССР Алоқа министрлиги

ТОШКЕНТ АЛОҚА ПОЛИТЕХНИКУМИ

ўқув юртларига кирувчиларни

ОЛТИ ОЙЛИК КЕЧКИ ТАЙЕРЛОВ КУРСЛАРИГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

8 ва 10 синф ҳажмида маълумотли шахслар, шунингдек мактабларнинг 8 ва 10-синф

ЎҚУВЧИЛАРИ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ

Машғулотлар математика, тиллар ва адабиёт фанлари бўйича ўтказилади.

Техникум телевизион техника ва радиореле алоқаси, район электр алоқаси ва радиолаштириш, автоматик электр алоқа, кўп каналли электр алоқа, телеграф алоқаси ва маълумотларни узатиш, почта алоқаси, бухгалтерлик ҳисоби (сиртқи бўлимда) бўйича мутахассислар тайёрлайди.

Аризалар 1984 йил 25 февралгача қабул қилинади.

Машғулотлар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Машғулотлар 18 дан 45 минут ўтганда бошланиб 22.00 да тугайди.

Техникум адреси: 700189, Тошкент шаҳри, 189-алоқа бўлими, У. Юсупов кўчаси, 70-уй (10, 23, 27-трамвайларнинг «Алоқа техникуми» бекати; 10-троллейбус; 44, 48, 97-автобусларнинг «Лабзак» бекати). Телефон 41-35-04.

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

12 февраль соат 19.30 да

КЎП СОНЛИ ТОМОШАБИНЛАРНИНГ ИЛТИМОСИГА БИНОАН НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИ СПЕКТАКЛИНИНГ

ПРЕМЬЕРАСИ

ШЕКСПИР АСАРЛАРИ АСОСИДА БАЛЕТ ТРИПТИХИ

П. Чайковский.

«РОМЕО ВА ЖУЛЬЕТТА»

П. Чайковский.

«ГАМЛЕТ»

Г. Перселл.

«ПАВАНА МАВРА»

(ОТЕЛЛО)

ЖУЛЬЕТТА, ОФЕЛИЯ, ДЕЗДЕМОНА ролларини — **СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофотининг лауреати**

БЕРНОРА ҚОРИЕВА

ИЖРО ЭТАДИ

Спектаклда театрнинг етакчи солистлари қатнашадилар.

Билетлар Навоий номли Ўзбек давлат академик Катта театри кассасида сотилмоқда.

КОЛЛЕКТИВ БЎЛИБ КЕЛИШ УЧУН ЗАЯВКАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

33-90-81 телефони орқали справкалар олиш мумкин.

16 ЁШГА ТЎЛМАГАНЛАР СПЕКТАКЛГА КИРИТИЛМАЙДИЛАР.

●

Медицина саноати министрлигининг

БУТУНИТТИФОҚ МЕДИЦИНА САНОАТИ ХИМИЯ-ТЕХНОЛОГИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

лабораториялар бўйича
ВАКАНТ ВАЗИФАЛАРГА

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Катта илмий ходимлар: катализаторлар ва гидробирикмаларни гидридлаш жараёнлари, оксидлаш катализи, катализаторларни модификациялаш, қуритиш жараёнлари;

кичик илмий ходимлар: оксидлаш катализи, моделлаштириш ва жараёнларни оптималлаштириш, тадқиқотнинг физик-химиявий методлари, техника-иқтисодий тадқиқотлар, термодинамик ва термохимик тадқиқотлар.

Конкурс муддати — 5 мартгача.

Ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: 700143, Тошкент шаҳри, 143-алоқа бўлими, Академиклар шаҳарчаси. Телефонлар: 62-56-71, 62-59-25.

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 8/II да **Оққуш кўли.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 8/II да **Зебуннисо.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 8/II да **Гулсара.**

Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлигининг ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасалари бошқармаси коллективи бўлим бошлиғи, ички хизмат полковниги М. М. Мирпўлатовга ўғли

Баҳодир Миралиевич
МИРПЎЛАТОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ

КУРАШ УСТАЛАРИ ТОШКЕНТДА

ФАКТ ВА ШАРҲ

Бугун республика пойтахтининг йирик спорт масканларидан бири — «Юбилей» марказий спорт саройида СССР — АҚШ терма командалари ўртасида эркин кураш бўйича анъанавий халқаро учрашув ўтказилади. Мухбиримиз республика спорт ҳаётидаги ўзига хос йирик воқеани Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Физкультура ва спорт комитетининг кураш бўйича тренери Валерий ДОРОФЕЕВдан шарҳлаб беришини сўради.

— Анъанавий халқаро учрашувни пахтакор ўлка пойтахтида ўтказишга қарор қилинганлиги бежиз эмас. Боиси, кейинги йилларда республикамизда спортнинг кураш тури оммавийлашиб, маҳоратли ёшлар камол топди, янги номлар пайдо бўлди. Ўтган йили СССР халқлари ёзги VIII Спартакиадаси бу борада кўрик вазифасини ўтади. Вакилларимиз ҳал қилувчи беллашувларни кўтаринки руҳда ўтказишга ҳаракат қилдилар. Дзю-дочилар биринчи марта команда ҳисобида ғолиблик супасининг учинчи поғонасини эгаллашган бўлса, эркин курашчиларимиз бешинчи ўринни олиб, кўпчиликни мамнун этдилар.

Бугунги кунда мухлислар классик кураш усталаридан Комил Фаткуллин, Александр Баранов, Рустам Қудратов, Искандар Ҳамроев, Николай Кузнецов, Василий Аникин сингари спортчилар билан фахрланадилар. Маҳоратли самбочилардан Э. Холиқов, С. Адигезалов, Б. Файзиев, О. Моторинлар ҳам Иттифоқ ва халқаро миқёсдаги мусобақаларда Ўзбекистон спорти шарафини муносиб ҳимоя қилмоқдалар. Чапдаст дзю-дочи, икки марта жаҳон чемпиони ва жаҳон кубогининг соҳиби Владимир Сободиревнинг издошлари А. Глазунов, А. Клоян, Н. Алексеев, Ф. Агаевлар ҳам иқтидорли полвонлардан ҳисобланади.

Ишқибозлар эркин кураш деганда жаҳон чемпионлари Аслан Хадарцев билан Арсен Фадзаевларнинг номини ҳурмат билан тилга оладилар. Чунки ҳар иккала курашчимиз маҳорат бобида бир-биридан қолишмайдиган, абжир полвонлардан. Вазни 100 килограммли полвонлар сафида майдонга тушиб келаётган А. Хадарцев СССР —АҚШ терма командалари анъанавий халқаро учрашувида муваффақиятли иштирок этиб келмоқда. У ўтган йили Минск беллашувларида жаҳон чемпионатининг совриндори Г. Гибсондан устун келган эди. АҚШнинг Толидо шаҳрида бўлиб ўтган учрашувда эса мамлакатимиз курашчилари (7:3, 8:6) ғалабага эришдилар.

Арсен Фадзаев эса 74 килограмм вазнли полвонлар сафида муваффақиятли беллашиб келмоқда. У ҳам ўтган йили СССР—АҚШ командалари учрашувида иштирок этди. Жаҳон кубогининг совриндори бўлган бу курашчимиз Иттифоқ ва халқаро майдонлардаги мусобақаларда беллашишни ўрнига қўйиб, мутахассисларни қувонтирмоқда. Арсен куни кеча Тбилисида якунланган халқаро турнирда олтин медалли бўлди. Тошкентда бугун бошланадиган анъанавий учрашувда яна бир курашчимиз, Хадарцевлар оиласида камол топган Асхар ҳам иштирок этади. Асхар Хадарцевнинг вазни 90 килограмм бўлиб, ўсмирлар ўртасида жаҳон чемпионидир. Уч курашчимиз бугунги беллашувларда муваффақиятли иштирок этиб, ишқибозларни қувонтирадилар, деган умиддамиз.

Анъанага кўра АҚШ полвонлари мамлакатимизда учта учрашув ўтказадилар. Орджоникидзе шаҳрида ҳисоб 5:5 бўлди. Грозныйда ўтказилган беллашувларда эса совет полвонлари 8:2 ҳисобида ғалабага эришдилар. Бугун сўнгги якунловчи учрашув бўлади. АҚШ полвонлари орасида Ли Кэмп, Лу Бонах, Смит Ли-Рой, Дейв Шульц сингари чапдаст спортчилар бўлса, СССР терма командаси составида Владимир Дзугутов, Лери Хабелов каби тажрибали полвонлар бор.

Мусобақани муваффақиятли ўтиши учун ташкилий-тадбирий жиҳатдан пухта ҳозирлик кўрилди. Ўн вазн бўйича жами 16 та беллашув ўтказиш кўзда тутилган. Мусобақага республикамиз судьяларидан К. Аблаев, М. Ашноков, В. Асташов, В. Орлов, Н. Иброҳимовлар ҳам ҳакамлик қиладилар.

Ўйлаймизки, анъанавий учрашув СССР — АҚШ спортчилари ўртасида дўстлик ва ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.



▲ Енгил атлетикачиларимиз республика, Иттифоқ ва халқаро майдонларда юқори натижаларга эришиб, мухлисларни мамнун этмоқдалар. Чунончи, баландга сакраш бўйича самарқандлик О. Азизмуродов 2 метр 18 сантиметрли марраии эгаллаб, СССР кубоги учун курашнинг финалига йўлланма олди. СССР кубоги учун мусобақаларда тошкентлик Т. Устинова ҳам дуруст кўрсаткичларга эришди. Суратда: СССР спорт мастерлигига номзод Т. Устинова.

А. Рисқиев фотоси (ЎзТАГ).

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

8 ФЕВРАЛЬ, ЧОРШАНБА

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Концерт. 10.10 — Менинг азиз кишим. Бадиий фильм. 11.55 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильм. 15.45 — Шахмат мактаби. 16.15 — 16 ёшгача ва ундан катталар. 17.00 — Фан ва турмуш. 17.30 — Сиз яратган боғ. 18.00 — Хоккей. 20.00 — Дунё воқеалари. 20.20 — Старт олдидан. 21.30— Время. 22.05 — Ҳужжатли фильм. 22.15 — Дунё воқеалари. 22.30 — Қишки Олимпиада ўйинларининг тантанали очилиши.

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Ҳужжатли фильм. 11.05—11.35 — Физика ва техника. 14.40. — Хўжаликни бошқариш мактаби. 15.10 — Р. Роллан. Хотиралардан. 16.00 — Давлат ишлари — халқ ишлари. 16.30 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — Г. Свиридов. Концерт. 18.55 — С. Залигин ижод саҳифалари. 20.00 — 20.45 — Тўпли хоккей. СССР — Швеция. 21.00 — Онамларнинг мактаби. 21.30 — Время. 22.05 — Туйғулар изтироби. Бадиий фильм.

ТОШКЕНТ-I. 11.00 — Ахборот. 11.20 — Қўшиғим, жон қўшиғим. 12.05 Қувноқ воқеалар. Бадиий фильм. 13.30 — Тенгдошларинг ижоди. 14.00 — ва 18.00 — Янгиликлар. 18.15 — Юлдузча. 18.45 — Ердамчи хўжаликларни кенг ривожлантирайлик. 19.00 — КПСС МК декабрь (1983 й.) Пленуми қарорлари — ҳаётга! 19.30 — Ахборот. 19.45 — Халқлар дўстлиги — адабиётлар дўстлиги. 20.30 — Ахборот. 20.50 Қаҳрамон Дадаев чалади. 21.20 — Манзарали фильм. 21.30 — Время. 22.05 — Навоий. Видеофильм. 8-серия. 23.10 — Бугун оламда нима гап?

ТОШКЕНТ-II. 9.00 — 16.35 — МТ-II. 18.40 — Чимён даралари. 19.10 — Телефильм. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Энг чиройли кемалар. Бадиий фильм. 2-серия. 21.30 — МТ-II.

9 ФЕВРАЛЬ, ПАЙШАНБА

МОСКВА-1. 9.00 — Время. 9.40 — Қалбга яқин қўшиқлар. 10.25 — Мультфильмлар. 10.45 — Саёҳатчилар клуби. 11.45 ва 13.50 — Янгиликлар. 14.00 — XIV қишки Олимпиада ўйинларида. 16.30 — Ҳужжатли фильм. 16.55 — Рус тили. 17.25 — Концерт. 17.45 — Расмларда қуёш акси бор. 18.00 — Миллионлар ленинча университети. 18.30 — XIV қишки Олимпиада ўйинларида. 20.50 — Қурилиш ва архитектура. 21.00 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Ҳужжатли фильм. 22.15 — XIV қишки Олимпиада ўйинларида. 23.05 — Дунё воқеалари. 23.20 — Давримиз адабиёти тинчлик учун курашда.

МОСКВА-II — 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Ҳужжатли фильм. 12.05 — Оила ва мактаб. 13.35 — Биология халқ хўжалигида. 14.35 — Пушкин шеърияти оламида. 15.20 — Барбод бўлган экспедиция. Бадиий фильм. 2-серия. 16.20 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.50 — Концерт. 19.05 — Телефильм. 20.00 — Ҳамдўстлик. 20.45 — Адабий ўқиш. 21.30— Время. 22.05 — Биз биргамиз ойи. Бадиий фильм. 23.15 — XIV қишки Олимпиада ўйинларида.

ТОШКЕНТ-I. 11.00 — Ахборот. 11.20 — Болалар учун фильм. 11.50 — Кинопрограмма. 13.00 — Еттидан ўн иккигача. Бадиий фильм. 14.15 ва 18.00 — Янгиликлар. 18.15 Ёшлик. 18.45 — Бизнинг иқтисодий шарҳ. 19.15 — Дала ишлари кундалиги. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Инсон ва қонун. 20.10 — Катталар учун мультфильм. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Навоий. Видеофильм. 9-серия. 23.15 —Эркин кураш. СССР—АҚШ.

ТОШКЕНТ-II. 9.00 — 16.25— МОСКВА-II. 18.15 — Телеочерк. 19.05 — Телефильмлар. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Реклама. 20.30 — Биз метро қурямиз. 21.00 — Телефильм. 21.30 — Москва-II.

РАДИО

8 ФЕВРАЛЬ, ЧОРШАНБА

I ПРОГРАММА. 8.30 — Ўзбек классик қўшиқлари. 9.30 — Совет Ўзбекистони: одамлар, ишлар ва режалар. 11.15 — Иқтисодий билимлар радиоуниверситети. 11.25 — М. Узоқов ижро этган қўшиқлар. 12.10 — Ўзбекистан индустриальний. 13.00 — Чорва қишловининг боришини текширамиз. 14.00 — Қишлоқда юксак турмуш маданияти учун. 19.25 — Музикали танаффус. 21.00 — Ўзбекистон ёзувчиларининг янги асарлари. 21.20 — Сиз ёқтирган қўшиқлар. 22.30 — Концерт. 23.30 — XIV қишки олимпиада ўйинларининг очилиши.

9 ФЕВРАЛЬ, ПАЙШАНБА

I-ПРОГРАММА. 8.30 — А. Навоий ғазаллари билан айтиладиган қўшиқлар. 9.30 — Концерт. 12.10 — Ишчинома. 13.00 — Малыш. 14.00 — Бригада пудрати самараси. 18.15 — Халқаро аҳвол кундалиги. 18.30 — Музикали танаффус. 19.25 — Юность Узбекистана. 21.00—Мамлакатлар ва қитъалар бўйлаб. 21.10 — Барҳаёт шеърият. 21.30 — Концерт. 22.30 — Музикали драмалардан парчалар. 23.15 — «Сайқал» радиопрограмаси.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР



БИЗНИНГ АДРЕС:
700000, Тошкент-П.
Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-21-43, 32-53-16, 32-53-20, 33-11-49, 32-54-13